12 ИЮЛ 1990

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 12 июль Пайшанба № 129 (13.565). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

## Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди тўғрисида

# АХБОРОТ

1990 йил 10 июль куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлис Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби С. И. Гуренко раислигида ўтди.

М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига сиёсий ҳисоботи муҳокамаси якунлари юзасидан сўзга чиқди.

Сўнгра съезд Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг сиёсий ҳисоботи юзасидан резолюция қабул қилди.

Танаффусдан сўнг съезд КПСС Марказий Комитети Бош котиби лавозимига номзодлар кўрсатиш ва уларни муҳокама қилишга киришди.

Кўрсатилган номзодларни муҳокама қилиш натижасида яширин овоз бериш учун рўйхатга Т. Г. Авалиани ва М. С. Горбачев киритилди.

Съезд сайлов ўтказиш учун саноқ комиссиясини тузди.

Кечқурунги мажлисда делегатлар КПСС XXVIII съездининг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» дастурий Баёноти лойиҳасини тайёрлаш комиссиясининг раҳбари В. А. Медведевнинг ахборотини тингладилар.

Сўнгра КПСС Марказий Комитети Бош котибини сайлаш юзасидан овоз бериш ўтказилди.

Шундан кейин съезд қатнашчилари КПСС XXVIII съездининг дастурий Баёноти лойиҳасини муҳокама қилишни давом эттирдилар.

Кечки мажлис охирида саноқ комиссиясининг раиси овоз бериш натижаларини эълон қилди. М. С. Горбачев Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош котиби этиб сайланди. Делегатлар саноқ комиссиясининг протоколини тасдиқладилар.

Съезд қатнашчилари ҳузурида КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби, СССР Президенти М. С. Горбачев қисқа нутқ сўзлади.

## Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVIII съездининг

# РЕЗОЛЮЦИЯСИ

## ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН, КОММУНИСТЛАР ҚУВҒИН ЭТИЛИШИГА ҚАРШИ


КПСС ҳар бир халқнинг ижтимоий тузумни, ўз турмуш тарзини мустақил танлаб олиш ҳуқуқини тан олади. Демократия инсон қадр-қимматини камситиш билан, нафрат ва қасос муҳитини яратиш билан, турли баҳоналар келтириб, компартияларни ва социалистик йўлни тутган жамоат ҳаракатларини, уларнинг барча аъзолари ва тарафдорларини қонундан ташқари қилиб қўйишга уринишлар билан келиша олмайди. Давр рад этган режимларнинг ҳаракатлари учун масъулиятни уларнинг зиммасига юклаб бўлмайди.

Шарқий Европадаги бир қанча мамлакатларда у ерда юз бераётган ўзгаришлар жараёнида тараққиёт ғояларига самимий содиқ бўлган минглаб ҳалол кишилар зарбага учрадилар. Уларни эътиқодлари учун таъқиб этмоқдалар, обрўсизлантирмоқдалар, ишдан маҳрум қилмоқдалар. Уларнинг оилалари теварагида кўпинча инсон фожиасига олиб бораётган тоқат қилиб бўлмайдиган вазият вужудга келтирилмоқда.

Ўтмишда антикоммунизм жуда кўп кулфатлар ва бахтсизликлар келтирди. Фуқаролик жамияти эълон қилинган шароитда сиёсий сабабларга кўра қувғин қилиш ва руҳий жиҳатдан таъқиб этишга тоқат қилиб бўлмайди, бундай ҳодисалар чет элдами ёки ўз мамлакатимиздами — қаерда намоён бўлмасин, алам ва норозилик туйғусини келтириб чиқаради.

Съезд сиёсий таъқиб ва маънавий қатағонга учраётган коммунистлар, барча кишилар билан ўртоқларча бирдамлик билдиради ва тараққийпарвар кучларга мурожаат қилиб, ҳар бир кишининг шаъни ва қадр-қимматини, ҳуқуқларини ҳимоя қилишга чақиради.





# ДЕҲҚОН ЕРНИНГ ЭГАСИ

Деҳқон учун энг оғир дамлар ортда қолди. Энди пахтакор учун ҳақиқий қувончли кунлар яқинлашмоқда. Бевақт ёққан дўлу-ёмғирлар деҳқон учун қанчалар ташвишлар келтирмади дейсиз? Бу азоб ва ташвишларни ҳақиқий деҳқонгина юракдан ҳис қилади. Ерга меҳр қўйган пахтакор даласини ўз фарзандидай ардоқлайди. Юқоридагиларнинг кўрсатмаларига бўйсунган деҳқонлар ҳам билиб-билмай узоқ йиллар она ерини заҳарлаб келди. Қайта қуришнинг шарофати билан деҳқон ернинг эгаси бўлди. Энди у ўз ерини, она фарзандини ардоқлагандай ардоқлайдиган бўлди. Чунки уни ери боқади, кийинтиради. Ҳақиқий деҳқон ерни алдамайди.

— Ерни алдаган ўзини алдайди, дейди Пахтакор ноҳиясидаги «Оқбулоқ» тажриба хўжалигининг коммунист Болқибой Абдураҳимов етакчилик қилаётган звенонинг механизатори Шароф Ўрозов. Шу вақтгача ерга минерал ўғитларни ортиғи билан беравердик. Оқибатда ерни «нашаванд» қилиб ишлатиб келдик. Кеч бўлса-да, бу номақбул ишга чек қўйилмоқда.

Звено аъзоларининг аҳди 41 гектар майдондан 29 ўрнига 35 центнердан хирмон бунёд этиш. Ваъда бажарилади. Чунки саратон тафтидан нур эмаётган ғўзалар барқ урмоқда. Звенодагиларнинг кайфияти аъло. Буни бригаданинг «юраги» механизатор Шароф Ўрозовнинг кўзларидан ҳам илғаб олса бўлади.

СУРАТДА: Ш. Ўрозов ўз даласида.

Сураткаш У. ҚЎШВОҚОВ.

## Делегат сўз сўрайди

КПСС XXVIII съездининг мафкуравий ишлар секциясида «Шарқ юлдузи» журналининг бош муҳаррири, съезд делегати Ўткир ҲОШИМОВ ҳам нутқ сўзлади. Уша нутқни эътиборингизга ҳавола этамиз.

# Буйруқбозлик ва тобеликка зарба

Ўртоқлар! Бунчалик талашиб-тортишиб минбарга чиққаним учун сизлардан узр сўрайман. Мақсад бировни қийин аҳволда қолдириш эмас. Бу нарса қўлимдан келмайди ҳам. Мафкурамиз соҳасидаги иллатларнинг бир илдизи ҳақида тўхталмоқчиман.

«Мен партиянинг ер тепиниб честь берадиган солдати эмас, онгли фуқаросиман». Таниқли ўзбек адиби Абдулла Қаҳҳор мажлислардан бирида шундай деган эди. Мана шу сўзлари учун ёзувчининг оқсоч бошига кўп ташвишлар тушди. Бу воқеа чорак аср илгари тургунлик даври деб аталмиш пайтда бўлган эди. Кейин бизнинг томиримизда тобелик қони кўпроқ оқди. Қуллик психологияси кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас. Тобелик илдизи олисларга, сталинизм замонига бориб тақалади. Оқибатда шундай бўлдики, одамлар на партияга ва на худога ишонадиган бўлиб қолдилар. Биз — мафкурачилар эса юқоридан келган шиорларни [illegible].

Эсингиздами, кунни-кеча ҳар қадамда «План — қонун, мажбурият — виждон» деган шиорга дуч келар эдик. Меҳнаткашлар, жумладан пахтакорлар ҳам планни бажаришди, ошириб бажаришди. Бажаришди ва қамоққа тушишди. Ўзига хос иккинчи «кичик» репрессия бошланди. Юзлаб, минглаб, ўнминглаб одамлар қамоққа тиқилди. Улар орасида ҳақиқий жиноятчилар бормиди? Ҳа, бор эди. Аммо ҳеч қандай гуноҳсиз темир панжара ортида қолиб кетган одамлар-чи? Уларнинг топталган қисмати учун ким жавоб беради? Нима учун марказдан келган терговчилар сариқ касали билан оғриган, олтинчи синфда ўқийдиган қизалоқ бир кунлик пахта териш нормасини бажариш учун ғўзапоя устига 25 минг марта эгилишга мажбур бўлишини тасаввур ҳам қилолмайди. «Ўзбеклар иши» деган ҳақоратли иборани дунёга достон қилдилар. Марказий матбуот Ўзбекистон бошида маҳзава ағдариб келди ва ҳамон ағдармоқда. Агар «арман иши», «рус иши» ёки «озар иши» деган иборалар айтилса қардошларимиз қандай аҳволга тушишларини тасаввур қилиш қийин эмас.

Савол туғилади: осмон баробар планларни ким ўйлаб топган? Улар марказдаги энг катта амалдорлардан чиқди. Ҳеч ким халқ билан маслаҳатлашиб ўтирмади. Бир томондан маъмурий буйруқбозлик системаси, иккинчи томондан тобелик охир-оқибат партиянинг обрўсига ҳам қаттиқ путур етказди. Бу нарса сиёсий лагандбардорлик, амалпарастликнинг бутун бир армиясини туғдирди. Бундай тенденция бизнинг жумҳуриятимизда қайта қуриш бошланган паллада яққол кўриниб қолди. Баъзи раҳбарларимиз ўзининг амал курсисини йўқотиб қўймаслик учун «айниб кетган» Ўзбекистонга «ҳақиқий кадрлар»дан кўпроқ юборинглар деб марказга ялиниб-ёлвордилар. Натижада кузбасслик кўмир қазувчи бухоролик чўпонга эшак минишни ўргатди, узоқ шарқлик балиқ овловчи эса андижонлик пахтакорга ғўза суғоришдан дарс берди.

Ўзидан бир поғона баландда турган амалдорнинг этагида номоз ўқийдиган маҳаллий сиёсий элбатаклар ўзининг нокас қўли билан миллий удумларимизни пайҳон қила бошлади. Ўз тарихимизга қарши мафкуравий кураш бошланди. Чўнтагига партия билети солиб юрган манқуртлар ўзбекларнинг асрий анъаналарига ҳужум бошладилар. Дўппи кийиш таъқиқланишига бир баҳя қолди. Ўзининг отаси ёки онасини дафн этиш учун қабристонга борганлар қаттиқ жазоланди.

Албатта, кейинги пайтда жумҳуриятимиз партия ташкилоти оз фурсатда талай яхши ишлар қилди. Лекин бошқа жойларда бўлгани каби бизда ҳам муаммолар етарли.

Яна бир гап: СССР мудофаа вазири Д. Т. Язов маърузасида айтилган, Арманистон ва Ўзбекистонда маҳаллий ҳокимият Конституцияга хилоф равишда ёшларни Совет Армияси сафига олишга қаршилик қилаяпти, деган фикр биз ўзбекистонлик делегатларни ҳайрон қолдирди. Ҳа, Ватанга армия керак. Лекин бугунги кунда армиямизнинг аҳволи қандай, интизом қанақа? Сўнгги бир ярим йил ичида Ўзбекистонга 500 дан ортиқ аскарнинг жасади борганини вазир биладими? Тинчлик даврида шундай бўлса-я!..

Офицерлар ҳар бир аскарнинг ҳаёти ва соғлиги учун шахсан жавобгарликни бўйниларига оладиларми? Билсангиз, бунинг ўзи энг муҳим мафкура.

Инсонинг кўз ёши ҳамма жойда бир хил — аччиқ бўлади. Чернобиль, Спитак, Байкал дарди бизнинг ҳам дардимиз. Худди шунинг учун ҳам Оролни қутқариш юзасидан комиссия тузиш ҳақидаги таклифга кўпчилик делегатлар қарши чиққанлиги бизнинг дилимизни қаттиқ оғритди. Наҳотки иккинчи Чернобиль — Орол фожиаси ҳаммани баробар ташвишга солмаса? Ахир денгиз фақат Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон айби билангина ҳалок бўлаётгани йўқ-ку!

Ўзбекистон делегатлари номидан таклиф қиламан:

— Съезддан, Коммунистик партия Марказий Қўмитаси сиёсий Бюросидан, СССР Президенти Михаил Сергеевич Горбачевдан «ўзбеклар иши» деган жирканч иборани расмий тарзда ва бир умрга олиб ташлаш масаласи сўралсин.

— Оролни қутқариш бўйича амалий тадбирлар кўрилсин.

Ўртоқлар, президиумда ўртоқ А. Масалиев ўтирганидан фойдаланиб, ундан баъзи нарсаларни сўрамоқчиман:

— Нима учун Қирғизистонда қонли фожиалар бошланиши арафасида матбуотда иғвогарлик руҳидаги мақолалар эълон қилинди?

— Қотилларнинг қўлига шунча автомат қаердан келиб қолди?

— Ўш вилоятига Ўзбекистондан ёзувчилар, шоир ва журналистлар бориб халқни жунбушга келтириш эмас, балки бор ҳақиқатни айтиб тинчитишга хизмат қиладиган чиқишлар қилиши учун кафолат бера оласизми?

Шу сонга хабар

## Эҳтиёт бўлинг, ёнғин!

Жумҳуриятимизда ёз азал-азалдан иссиқ ва қуруқ келади. Шу сабабдан ҳам бу даврда ёнғинлар сони, улардан кўрилган моддий зарарлар миқдори ошиб боради. Бунга ўзимиз йўл қўйган эҳтиётсизлик, эътиборсизлик, ток билан ишловчи қурилмаларимизнинг носозлиги сабаб бўлади. ЎзССР ИИВ матбуот хизмати аъзоси, майор Мирзоҳид Мирзоидов бу йилги ёнғинлар ҳақида шундай сўзлайди:

— Тошкент шаҳри ўт ўчирувчилари айни кунларда қуриган ўсимликлардан чиққан ўтни ўчириш билан банд бўлиб қолмоқда. Киров ноҳиясидаги Хуршид кўчасида 500 квадрат метр, Юнусобод даҳаси Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси атрофида 200 квадрат метр, Коммунистик бекати ёнида 100 квадрат метрга яқин майдондаги ёнғин ўз вақтида ўчирилди. Худди шундай воқеалар жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларида ҳам учраб турибди. Мисол учун, Андижон вилояти Олтинкўл ноҳияси Калинин жамоа хўжалигида жойлашган «Октябрь 40 йиллиги» кўчасида яшовчи Зокировлар хонадонида қуриган хашаклардан чиққан ёнғиннинг олди олинди. Жумҳуриятимизда ҳар куни 35-40 та ана шундай ҳодиса кузатилмоқда.

А. ҲАЙДАРОВ.

## Ўзбекистон комсомоли ташкилотларига мурожаат

Бутун Ер юзи аҳолиси қалбларини ларзага солган табиий офат — Эрон Ислом Жумҳурияти ҳудудидаги кучли зилзила катта талофатларни, вайронагарчиликларни келтириб чиқарди. Энг ачинарлиси, кўпсонли кишилар қурбон бўлдилар.

Барча жойлардан бўлгани сингари Ўзбекистондан ҳам офат юз берган юртга беминнат ёрдам кўрсатилмоқда. Дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари, энг зарур анжом-ашёлар кетма-кет юборилиб турибди. Шунингдек, бир гуруҳ мутахассислар ва шифокорлар амалий мадад кўрсатиш учун Эронга жўнаб кетишди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси барча комсомол ташкилотларини, меҳнат жамоаларини, корхона ва ташкилотларни ушбу хайрли ишда қўлдан келган ёрдамни аямасликка даъват этади.

Хайр-эҳсонни Эрон Ислом Жумҳуриятининг қуйидаги ҳисобларига ўтказишингиз мумкин: сўм ҳисобида — 70130354 ҳамда 70118663 сонли жамғармаларига. СССР Ташқи иқтисодий банкида эса 17008877 сонли ҳисоб очилган.

МАБЛАҒ ўтказилганлиги ҳақидаги ахборотларни 39-17-00 ва 39-14-43 рақамли телефонлар орқали Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасига етказишингизни сўраймиз.

## Орол дарди — менинг дардим

Мен ҳам ўша, бугунги кунда ташвиш билан тилга олинаётган Орол бўйида туғилганман. Қадимги Хоразм воҳасининг аҳолиси она-Оролнинг кун сайин қуриб бораётганидан ташвишга тушишмоқда. Шу боис денгизни сақлаб қолиш, уни келажак авлодларга хизмат қилишига имкон яратиш борасида барча бир жон, бир тан бўлиб ҳаракат қилишяпти.

Биз санъаткорлар ҳам Оролни қутқариш учун қўлимиздан келган барча ҳаракатни қилиш ниятидамиз. Шу мақсадда 30 июнь куни М. Қориёқубов номли ўзбек Давлат филармонияси санъаткорлари Орол жамғармаси учун хайрия концерти уюштиришиб, ундан тушган маблағни эзгу-мақсадлар учун ўтказишди. Ушбу хайрия кечасида фаол иштирок этиш билан бирга мен оиламиз номидан Орол жамғармаси учун яна 1100 сўм ҳадя этдим. Зеро, бу пуллар энг яхши ниятларнинг амалга ошишига хизмат қилсин.

Ортиқ ОТАЖОН ўғли, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист.

Шу сонга хабар

# СССР Вазирлар Кенгашида

## ҚАРЗЛАРДАН КЕЧИБ ЮБОРИЛДИ

СССР Вазирлар Кенгаши жамоа ва давлат хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва деҳқончилик-саноат комплекси қайта ишловчи саноат корхоналарининг иттифоқ ҳукумати қарорларига асосан муддати кечиктирилган СССР банкларидаги ссудалар юзасидан 40,3 миллиард сўмлик қарзидан воз кечиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарзлардан кечиш тўғрисидаги қарор иқтисодиётни соғломлаштириш ҳамда жамоа ва давлат хўжаликлари ҳамда деҳқончилик-саноат комплекси бошқа корхоналарининг хўжалик юритишнинг янги шакллари, бошқариладиган бозор муносабатлари қарор топаётган шароитда ишлашлари учун қулайликлар яратиш мақсадида қабул қилинди.

Вазирлар Кенгаши СССР банклари зиммасига деҳқончилик-саноат комплекси корхоналарига бериладиган қарз ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш юзасидан тадбирлар кўришни юклади.


• • •

Қишлоқда бундай қарорни анчадан бери кутишарди. Шундай бўлса ҳам бу галги қарзлардан кечиш ҳеч қандай яхшиликка олиб бормайди, чунки бу иқтисодий қонунларга зид ҳамда жамоа ва давлат хўжаликларини давлат боқимандаси бўлиб қолишга ўргатади, деб ўз фикрини тасдиқловчилар ҳам бор. Лекин, бундай шубҳалар асослими? ТАСС мухбири Г. Естифеев СССР Вазирлар Кенгашининг маҳсулот ва харид давлат комиссиясига шуни тушунтириб беришни сўраб мурожаат этди. Ҳукумат ҳужжатини хўжалик омилларини такомиллаштириш ва нарх-навони тартибга солиш бўлимининг мудири А. Е. Романов шарҳлаб беради:

— Энг аввало қишлоқ хўжалиги расмий жиҳатдан жуда катта қарздор бўлиб қолганлигининг сабабларини аниқлаш зарур. Чунончи, умуман халқ хўжалиги бўйича юз сўмлик асосий жамғармалар ҳисобига икки сўм, қишлоқ хўжалигида эса 18 сўм қарз тўғри келади. Бунинг асосий сабаби саноат корхоналари билан моллар ва маҳсулотлар теппа-тенг алмаштирилмаётганлигидадир. Кейинги йигирма йил ичида моллар ва ресурслар нархи икки баравар кўпайди, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархлари эса амалда кам ўзгарди.

Бошқа томондан олганда, ҳозир хўжалик юритишнинг янги усулларига ўтилмоқда, ижарачилик ривожланмоқда, деҳқон хўжаликлари ташкил этилмоқда. Янги соҳиблар салафларининг қарзларини ўз зиммаларига олишга қодир эмаслар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархларининг ошиши эса шу кунларда қимматлашиб бораётган саноат моллари ва ресурсларинигина ўрнини коплай олади. Шундай қилиб, кўпгина хўжаликларнинг қарзлари ҳозир уларнинг йиллик даромадидан ошиб кетади. XII беш йилликда қишлоққа 17 миллиард сўмга яқин пул кам берилганлигини ҳам айтиб ўтмоқчиман.

Бизнинг қишлоқ хўжалигимиз мутлақо самарасиз деган хато фикр мавжуд. Лекин, аслида бундай эмаслигига ишонтирмоқчиман. Қишлоқ хўжалигида капитал маблағлардан анча кўп самара олинмоқда. Сарфланган ҳар бир сўм 109 тийинлик миллий даромад келтиради, ваҳоланки, қолган соҳаларда атиги 80 тийин даромад қилинади. Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигимиз хусусида «тубсиз ўра» сифатида юритилаётган одатдаги фикрлар асоссиздир. Ҳукуматнинг хўжалик омилларини такомиллаштириш билан уйғунлашган ҳолда қарзлардан воз кечиш тўғрисидаги қарори, пировардида, қишлоқнинг оёққа туриб олишига ва мамлакатимизни боқишига ишончим комил.



Муқаддас Отажонова СССР 50 йиллиги номли Хива тикувчилик фабрикасида меҳнат қилади. Илғорларнинг илғори Муқаддас сингари ишнинг кўзини биладиган ёш чеварлар кўҳна шаҳардаги ушбу корхонада талайгина. Айнан уларнинг ишбилармонлиги, чаққонлиги, касбга бўлган ҳурмати туфайли бу ерда ишлаб чиқариш топшириқлари муттасил уддаланиб келинмоқда. Сифат ва самарадорлик ҳам шунга яраша бўлаётир.

Сураткаш мухбиримиз Жумабой ҚОЗОҚ олган юқоридаги суратда сиз хивалик чевар тикувчи Муқаддас Отажоновани кўриб турибсиз.

Мавзуга қайтиб

# СЎНГГИ УЧРАШУВ

Севимли «Ёш ленинчи» рўзномамизнинг 1989 йил 10 октябрь ва 20 декабрь сонидаги «Сўнгги учрашув» мақолаларини ўқиб, журналист укаларимизнинг бошлаган хайрли ишидан бошим осмонга етгандай бўлди. Шу билан бирга беихтиёр ёдимга атоқли шоиримиз Мақсуд Шайхзоданинг

«Умрлар бўладики, тиригида
ўликдир.
Умрлар бўладики, мангуликка
тирикдир»,

деган мисралари келди.

...1957 йилнинг август ойи эди. Мен Сурхондарё вилоятининг «Илғор Сурхон учун» рўзномасида икки йил ишлаб, оилавий шароитим оғирлашиб қолгани учун кетишга рухсат олдим. Дўстларим билан хайрлашиб, кўчага қушдай учиб чиққанимни биламан, комсомол ходимлари — Холмурод Жўраев ва Восижон Зиёевлар «Бормисиз дўстим, муҳарриримиз сизни Қўқонга кўчиб кетди, деганди», дейишди-да, икки қўлимдан ушлаб, вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби Владимир Николаевич Қодиров кабинетига олиб киришди.

Қодиров менга кўзи тушиши биланоқ: «Мана биз истаган одам!» — деди-да, хонадаги кишиларга таништирди, уларни менга... Тасодифий бу учрашувдан ўзимни йўқотиб қўйган эдим... Хонада Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг котиби Қаюм Муртазоев, «Ёш ленинчи» рўзномасининг ўша вақтдаги муҳаррири Ғани Жаҳонгиров, вилоят комсомол қўмитасининг иккинчи котиби Виталий Куксенколар ўтиришарди.

— Дўстим Умаржон, редакциядан кетишга рухсат олибсиз. Биз билан хайр-маъзур ҳам қилмай, Қўқонга жуфтакни ростламоқчимисиз? — дея ҳазил аралаш гап бошлади Қаюм Муртазоев. — Комсомол ходими сифатида бизга бир ҳафта ёрдам бера оласизми?

— Бугун дўстларингизни хайрлашув кечасига таклиф этаётганингиздан ҳам хабаримиз бор. Хайрлашувни кечиктирсак-да, бир ҳафтагина бирга бўлсак, сиз бизга кўмаклашсангиз. Розимисиз? — дея қўлини менинг елкамга қўйди Ғани ака.

Меҳмон отангдан улуғ, деган ҳикмат бор халқимизда. Мен рози бўлдим. Улар мени ўз ёнларига олиб, машинада Шўрчи ноҳиясидаги Жданов номли колхозга олиб боришди. Хўжаликдаги комсомолларнинг ҳосилга ҳосил қўшиш ойлиги қандай ўтаётгани, ёшлар орасида сиёсий-тарбиявий ва ташкилотчилик ишларининг йўлга қўйилишини, Денов ноҳиясидаги «8 Март» жамоа хўжалигида эса ёшларга маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи масалаларини ўргандик. Суратларни эса Ғани аканинг ўзлари олдилар. Кечқурун яна Жданов номли жамоа хўжалиги меҳмонхонасига қайтиб келдик. Бироз дам олганимиздан кейин Қаюм Муртазоевич:

— Дўстим Умаржон, ҳар иккала масала юзасидан тайёрлаган макетингиз Ғанижон акага ҳам, бизга ҳам маъқул. Бироқ материаллар жуда тезлик билан тайёрланиши керак. Ҳар бир саҳифага бир кундан вақт берамиз. Қандай шароит лозим бўлса, яратамиз. Шўрчиликлар ташаббуси эрталаб, Душанбе самолёти орқали Тошкентга етиб бориши шарт. Келаси куни эса деновликлар саҳифаси... Нима дейсиз? — дея сўрадилар.

— Менга алоҳида босиш машинкаси билан хотиржамроқ ишлайдиган хона бўлса бас. Меҳмон акаларнинг топшириғи бажарилади, — дедим.

Саҳифалар бирин-кетин тайёр бўлди. «Ёш ленинчи»да берилди. Ёш журналистга бундан ортиқ бахт борми!.. Бироқ бир ҳафтадан сўнг мен комсомол ходимлари билан хайрлашгани вилоят комсомол қўмитасига кирсам, кассир мени таклиф этиб: «Ўртоқ Ҳалимов, маошингизни олинг!», — деди. Мен унга «Мен бу ерда ишламасам, қанақа маош бўлди у?» — дедим. У эса таажубланиб, мени биринчи котиб хонасига бошлаб кирди. Хонада Қ. Муртазоев, Ғ. Жаҳонгиров, В. Қодировлар ўтиришарди. Улар мени саҳифалар билан табриклаб, раҳмат айтишди. Сўнгра, кассир қиз: «Ҳалимов маошини олмаяпти», — дея шикоят қилди.

— Маошингизни олишдан бош тортишингизнинг сабаби нимада? — сўради Қаюм Муртазоевич.

— Ахир, мен бу ерда ишлаётганим йўқ-ку?

— Илгари ишламаган бўлсангиз, биз бу ерга келганимиздан буён ишлаяпсиз-ку! Ёки биз билан юрганингизниям тан олмайсизми?

— Сизлар билан бирга бир ҳафта бўлган бўлсам, бу — ёрдам эди, — дедим мен унга. — Қолаверса, мени ишга қабул қилинглар деб, ариза ёзмаганман.

— Дўстим, биз кишиларни ариза билан ишга қабул қилмаймиз. Ариза билан бўшатмаймиз ҳам. Биз билан ишлайсиз. Қандай шароит зарур бўлса, яратиб берамиз... Маълум бўлишича, редакция раҳбарлари сизга икки йил давомида квартира олиб бериша олмаган. Шунинг учун биз сизга 15 сотихлик ҳовлиси билан комсомол ходимларининг ёрдамида икки хоналик уй сотиб олдик. Бир ҳафта ичида ҳашар уюштириб, ҳовлингизни девор билан ўраб, яна икки хона уй қуриб берамиз. Ҳозир бирга бориб кўриб келишингиз мумкин...

Қодировнинг машинасига ўтириб, Термиз бозорининг орқасидаги Навоий кўчасига ўтсак, эллик нафарча ёшлар гувалак ва ғишт қуйишяпти.

— Мана бу ҳовлига мевали дарахтларни экинг. Битта қудуқ қаздирсангиз насос орқали суғориб тураверасиз, — Муртазоев мени етаклаб, хоналарни кўрсатди. Аллақачон юкларимиз келтирилиб, жойлаб ҳам қўйилибди. Хотиним ҳам ҳайрон. Катта ўғлим Содиқжон билан қизим Зиёдалар: «Бизга каттакон уй беришди!» — дея ҳовлида ирғишлаб ўйнаб юришибди. — Мана бу хона қайлиғингизга, мана бу хона сизга. Бу ерда Сиз ҳамшаҳарингиз Абдулла Набиев ҳақида материал тўплаб, ВЛКСМнинг 40 йиллигигача ҳужжатли қисса ёзиб берасиз. Набиев ҳақида спектакль, кинофильм ва китоб бору, лекин ҳужжатли эмас. Омонлик бўлса, уни нашр этишга ўзим ёрдамлашаман...

Менга ҳурмат кўрсатиб, бунчалик дўстона ёрдам берган ва ғамхўрлик кўрсатаётган бундай инсоннинг сўзини ерда қолдириш мумкинмиди? Асло! Мен шу кундан эътиборан яна комсомол ходими бўлиб иш бошладим. Мен унинг хотирасига ва зеҳнига қойил қолган эдим... Ҳа, мен урушдан кейинги йилларда Фарғона вилоятидаги Горский ноҳиясига қарашли «Рабочий» жамоа хўжалигидаги педагогика техникумида комсомол ишларида қатнашган эдим. 1951—1955 йилларда эса Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг штатсиз лектори сифатида таътил вақтларда жумҳуриятимиз вилоят, ноҳияларида бўлиб турардим. Қаюм Муртазоев семинар ва йиғинларда бизга: «Сиз бизнинг қўш қанотимизсиз. Сизларга берган топшириқларимиз кўнгилдагидай бажарилмаса, яъни сизларнинг лекциянгиздан кейин ёшлар руҳланмаса, улар бирор яхши иш қилиш ҳаракатига тушмаса, юрт ишига жон куйдирмаса билингки, сизнинг лекциянгиздан фойдаланмаган ҳисобланади. Агар ана шундай ҳислатингиз бўлмаса, овора бўлиб командировкага боришингизнинг ҳожати йўқ!», — дерди. Мен унинг айтганларини қилиб, кам бўлмадим. Жумҳурият ВЛКСМ Марказий Қўмиталарининг Фахрий ёрлиқларини олдим. «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотландим. Унинг ёрдамида Қўқонга қайтиб келиб, бир неча йил Ўзбекистон ноҳиясининг «Пахтакор» рўзномасига муҳаррирлик қилдим. Унинг йўл-йўриғи билан ўғлим Содиқжонни режиссёрликка ўқитдим. Қизим Зиёда инженерликка ўқиди. Содиқжон ҳозир Қўқондаги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги театрнинг бош режиссёри...

— Абдулла Набиев ҳақидаги ҳужжатли қиссангизни ўқидим, — деди Қаюм Муртазоев учрашувларимиздан бирида (1977 йилнинг ёзида бўлса керак), — энди бу хайрли ишни охирига етказиш керак. Дўстим, Сиз ҳозир Қўқонда эконсиз, Абдулла Набиевнинг ёшлиги, ўсмирлик йиллари ҳақида материал тўплашингизни давом эттиринг ва тезроқ ёзинг. Биласизми, ёшларимиз у ҳақдаги бадиий асарлардан, яъни Абдулла Набиевнинг энг охирги кунларини билади, холос.

Мен жонкуяр дўстимнинг айтганларини бажардим. Абдулла Набиев ёшлиги, ўсмирлик даврини ҳикоя қилувчи ҳужжатли қиссамни ёзиб тамомладим. 185 бетдан иборат бу қиссани кўтариб, бундан икки йил илгари «Ёш гвардия» нашриётига олиб бордим. Бироқ у ердаги ўртоқлар: «Бу ҳақда ёзувчи Ш. Холмирзаевнинг китобини чиқардик. Сизникини қабул қила олмаймиз», — дейишди. — Фарғона вилоят ва ноҳия рўзномаларининг баъзилари ундан парчалар нашр этишди. Қолгани «тузланиб» турибди....

Минг афсуслар бўлсинки, менга бу ҳақда дўстона маслаҳатлар берган қадрдоним Қаюм Муртазоев энди орамизда йўқ. У бир сўзли, айтган сўзининг устидан чиқадиган, қатъиятли раҳбар эди. У кишиларга фақат яхшилик қилишнигина кўзлайдиган инсонпарвар, ўз Ватанининг содиқ фарзанди эди. Мен унинг Бухородан қайтиб келганидан кейин касал бўлиб шифохонада даволаниб юрган кунларида кўнгил сўрагани бориб, қисқа вақт суҳбатлашган эдим. Табиийки, бундай вақтда орага кўп гап сиғмасди. У мени кузатаётиб: «Дўстим, бошимизга тушган бу оғир кунлар вақтинчалик деб ҳисоблайман. Шундай кунлар келадики, турмушимизда ва фаолиятимизда шундай инқилобий ўзгаришлар бўладики, келажак авлод олдида юзимиз ёруғ бўлади!» — деган эди.

Ўлкамизда инқилобий ўзгаришлар бошланди. Бироқ, мен ўша кунни «сўнгги учрашув» бўлади, деб ўйламаган эдим...

Қаюм Муртазоев чинакам ленинчи раҳбар эди. Унинг фаолияти кўпқиррали ва ибратли эди. Жумҳуриятимизда Қаюм Муртазоев билан бирга ишлаган кишилар жуда кўп. Чунончи, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раиси Мирзаолим Иброҳимов бир аппаратда бирга ишлаган комсомол ветеранларидан бири. Ўйлайманки, у ҳам ўз хотиралари билан ўртоқлашади.

**Умаржон ҲАЛИМОВ,**
**СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси, комсомол ва матбуот ветерани.**

Луқма

## Ўзгариш йўқ

Қаранг, она табиат берган тилни йўқотиб қўйиб, қонун йўли билан қайта топиб олдик. Кўп жойларда унча-мунча ўзгаришлар бўлаётганини рўзномалар орқали ўқиб турибмиз. Аммо бизнинг Фарғона вилоятимизда бу қонун билан таниш бўлганлар камроқ шекилли, нимагадир суст қимирлашаяпти.

Одамларнинг диққат-эътиборини тез тортадиган бу — киноафишалардир. Лекин мана қонун чиққанига 5-6 ой бўлаяптики, биророрта шаҳардаги киноафиша ўзбек тилида ёзилмайди. Вилоятимизда «Фарғона киноҳафталиги» рўзномаси чиқади. Унинг фақат бир саҳифаси ўзбек тилида, қолган уч бети рус тилида чоп этилади. Ўзбек тилидаги саҳифа ҳам номигагина: ярим-ёрти кинохабарларидан иборат бўлиб, ундан ҳеч нарсани англаб бўлмайди.

Агар рўзнома ўзбек ва рус тилларида алоҳида-алоҳида чиқарилса, биз қишлоқ мухлислари беҳад хурсанд бўлар эдик.

Ҳурматли редакция, шу «арзимас» нарса учун биз аралашишимиз шартми, дерсизлар? Биз бу борада бир неча бор маҳаллий рўзномаларга мурожаат қилдик. Ё индашмайди, ёки қаттиқроқ «йўталсак» дарров «Фарғона фожиаси»ни эслатишади. Шунинг учун сизлардан илтимос, Фарғона вилояти кинолаштириш раҳнамоларидан бир билиб берингларчи, тил ҳақидаги қонун билан танишмиканлар?

**Муса МАЪРУФ ўғли,**
**Ҳаким ЮСУФ ўғли.**
**Фарғона вилояти Олтиариқ ноҳияси.**

## Очкўзлик оқибати

...Беруний ноҳия ички ишлар бўлимининг навбатчи қисмига маҳаллий «Геркулес» ширкатининг раиси Турсунбой Матёқубов сирли равишда йўқолганлиги хусусида хат тушди. Ширкат Амударё устига қурилган понтон кўприкка хизмат қиларди. Раисни охирги марта кўприкнинг Хоразм соҳили томонида кўришган экан, орадан бир неча кун ўтгач, Урганч шаҳридаги «Хоразм» меҳмонхонаси олдида унинг янги «Жигули» машинасини топиб олишди. Т. Матёқубовнинг мурдаси эса Амударё тубидан топилди.

Қидирув ишларида Хоразмдаги ширкат ресторанлардан бири раисининг ўринбосари фуқаро Б. зўр фаолият кўрсатди. У марҳумнинг қариндош-уруғларига кўнгилли равишда ёрдам беришга отланган эди. У «бедарак йўқолган» кишини қидиришда ўзига хос услубга эга эканлигини шаъма қилди. Оиланинг «жонкуяр» дўсти жиноятчилар дунёси билан катта алоқалари сақланиб қолганлигига уларни ишонтирди. Бу киши фирибгарлиги учун илгари жиноий жавобгарликка тортилган эди. «Жонкуяр» Т. Матёқубов қариндош-уруғларининг уйига келиб, гўёки маҳаллий рэкетчилардан тушган таклифни айтди. Улар ўз қарамоғига олган «Геркулес» ширкат раисини озод қилиш учун ўз шартларини айтишганди, яъни юз минг сўм миқдорида пул ва унга қўшимча равишда Т. Матёқубов «Тараққиёт» кўприксозлик ширкатидан сотиб олган «Мерседес» автомобилини сўрашганди.

Халқимизда чўкаётган одам чўпга ҳам, хасга ҳам осилади, деган гап бор, шундай қилиб марҳумнинг уруғлари бу таклифга рози бўлишди. Лекин, тушунган бўлсангиз керак, «жонкуяр» марҳумни уйига қайтара олмади. Бундан ғазабга келган қариндош-уруғлар фуқаро Б. га бутун ғазабларини сочишди ва «Мерседес»ни ҳам, пулларни ҳам қайтариб олишди. Лекин улар энди юз минг сўм ўрнига 70 минг сўм пулга эга бўлишганди. «Оиланинг дўсти» қолган 30 минг сўмни бошқача йўл билан қайтариб бериш ниятида эканлигини айтди...

Матёқубовнинг беваси милицияга мурожаат қилди, фирибгар ҳибсга олинди, жиноий иш қўзғатилди.

Бироқ Т. Матёқубовни ўлдириш теварагидаги қаллоблик бу билан тугагани йўқ. Юрист маълумотига эга бўлган, адвокатлик қиладиган фуқаро аёл ҳам ўзгалар бошига тушган қайғудан фойдаланиб қолмоқчи бўлди. У марҳумнинг ўғилларини қонга-қон қабилида ўч олишга чақирди, «ҳақиқий» қотил ҳақида хабар берганлиги учун... 10 минг сўм пул талаб қилди. Қонун қўриқчиси либосини кийиб олган фирибгар аёлни ўлдирилган кишининг қариндошларидан бирининг қўлидан пул олаётган вақтда жиноий қидирув ходимлари ушлашди.

**В. ТРОИЦКИЙ,**
**ЎзТАГ мухбири.**

## СССР АНИҚ МАҚСАДНИ КЎЗЛОВЧИ ПРОЦЕНТСИЗ ДАВЛАТ ЗАЁМЛАРИНИ ЧИҚАРИШ ШАРТЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА ДАВЛАТ ХАЗИНА МАЖБУРИЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР вазирлар Кенгаши аниқ мақсадни кўзловчи процентсиз давлат заёмлари облигация эгаларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда СССР Давлат хазина мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш ва уларни тарқатишдаги тартибни осонлаштириш мақсадида ана шу қимматбаҳо қоғозлар чиқариш шартларига ўзгартишлар киритди.

Агар аниқ мақсадни кўзловчи процентсиз давлат заёми облигациялари бўйича мол олинаётган вақтда (енгил автомобиллар бундан мустасно) унинг нархи облигация қийматидан юқори бўлса, заём эгаси молни облигацияда кўрсатилган нархда олади, арзонроқ молни олаётганда эса облигация қиймати билан мол нархи ўртасидаги фарқни олади.

СССР омонат банкига 1990 йилнинг 15 июлидан бошлаб меҳнат жамоаларида сотилмаган аниқ мақсадни кўзловчи процентсиз давлат заёми облигацияларини эркин сотишга рухсат берилди (енгил автомобиллар ҳисобидан узиладиган облигациялар бундан мустасно).

СССР давлат хазина мажбуриятининг белгиланган муддати 16 йилдан 8 йилга қисқартирилди ва улар юзасидан тўланадиган йиллик даромад 5 фоиздан 10 фоизга қадар кўпайтирилди.

(ТАСС).

Хотира

## ҚЎШТАМҒАЛИДА ҚУРБОН БЎЛГАНЛАР

Минг тўққиз юз қирқ тўртинчи йилнинг майи. Қоронғу тунларнинг бирида Қўштамғали қишлоғида ногаҳон ўқ овози янгради. Орадан кўп ўтмай, бу машъум ҳол қўшни Совсан, Пасттол қишлоқларида ва Шайтонқишлоқ даштида ҳам такрорланди. Ўша тунда ғанимлар томонидан жамоа хўжалиги раиси Ганч Қурбонов, унинг укаси Кўчқор, ҳосилот Жавҳар, фаоллардан Маман Хуррамовлар отиб ўлдирилди. Учала қишлоқ ҳам тўс-тўполон, қий-чув бўлиб кетди. Жиноятчиларни излаш бошланди. Аммо, ҳа деганда сир очилавермади. Қотиллар узоқларга, тоғларга яширинишга улгуришган эди. Орадан ўн кун ўтгандан сўнг калаванинг учи топилди. Ички ишлар ходимларининг қаттиқ текшируви ва қишлоқ одамларининг ёрдами билан ниҳоят қотиллар бирин-кетин қўлга олинди. Колхоз фаолларининг жонига қасд қилганлар — Худойназар, Абдиҳамид, Нормўмин ва Ражаб деган кишилар бўлиб чиқишди. Бу воқеани бизга ўз кўзи билан кўрган, меҳнат ва уруш ветерани, кекса коммунист Холмат бобо Шукуров шундай ҳикоя қилади:

— 1944 йилнинг 15 май кечаси безорилар қўлида ҳалок бўлганлардан бири жамоа хўжалиги раиси Ганч Қурбонов ва унинг укаси Кўчқор Қурбоновлар қишлоқда биринчилар қатори жамоа хўжалигига аъзо бўлиб кирганлардан эди. Ганч ака 1928 йили бизнинг «Ленин йўли»га аввал ғаллачилик звеносига бошчилик қилди. Бир йилдан кейин хўжалик аъзолари уни ўзларига бригадир этиб сайлашди. Қаршидаги бир йиллик раислар тайёрлаш курсини битирди. Ғузор ноҳиясида молия инспектори бўлиб ишлади, ҳосилотлик қилди. Қишлоқ Шўроси раисининг муовини бўлди. 38-йилда уни «халқ душмани» деб ноҳақ қамашди. Тўққиз ой авахтада ётди. Касалликка чалиниб, бир йилча ишлаш имконияти бўлмади. Соғайгандан сўнг бир мунча вақт қишлоқ подасини боқди.

40-йилнинг бошларида уни раисликка сайладик. У пайтлар оғир дамлар эди. Одамларнинг қорни нонга тўймас, усти кийимга ёлчимас эди. Ғалла ҳосили яхши битса-да, буғдой пишган маҳали уни ҳашорат еб кетарди. Зараркунандага қарши қанчалик курашмайлик, йўқотишнинг чорасини тополмай қийналардик. Одамларни оч қолдирмаслик учун Ганч раис қўлидан келган ҳамма ишни қилди. Лангар қишлоғи томондаги Бойбича конидан туз келтириб, уни яқин-ёвуқ қишлоқларга ғаллага алмаштириб, шу тариқа кишиларни очликдан асраш чораларини кўрарди. Колхоз қўйларининг қатиғини бева-бечораларга улашар, ортганини сузма қилиб, давлатга топширтирарди. Саккиз-ўн сўтих ернинг ғалласини ўрган ўтоқчига бир нон, 15-20 сўтихни ўрганга эса иккита нон беришни ҳам у жорий қилган эди. Урушнинг сўнгги йилларида «Ленин йўли» жамоа хўжалиги илғорлар қаторига кўтарилди. Одамлар ҳар бир меҳнат кунларига 5-6 килограммдан ғалла олдилар. Хўжалик аста-секин ўзини ўнглади. Ганч Қурбонов одамларга меҳрибон, меҳнаткаш раҳбар бўлиши билан бирга интизомни, қаттиққўлликни ҳам хуш кўрарди, ҳалолликни, ростгўйликни ёқтирарди. Бу унинг ҳаракатидаги яхши хислатлардан эди. Колхоз тузуми йўлга қўйилаётган пайтда қўй-эчкиси, от-сигири, қорамоли кўп бўлган айрим бадавлат кишилар давлатнинг ўша пайтдаги қалтис сиёсати билан чекка жойларга қулоқ сифатида сургун қилинди. Улар орасида қотилларнинг оталари, яқин қариндошлари ҳам бор эди. «Бизнинг отамизни, яқинларимизни Ганч Қурбонов бошлиқ фаоллар қулоқ қилишган» деган тушунча билан улар яшарди. Бора-бора бу тушунча интиқомга айланади. Мамлакатда уруш бошланиб, умумий сафарбарлик эълон қилингандан сўнг, кўп йигитлар қатори қотилларга ҳам чақирув қоғози келади. Худойназар, Абдиҳамид, Нормўминлар «барибир урушга кетамиз, фронтга жўнаш олдидан оталаримиз учун раис Ганч Қурбонов унинг яқин одамларидан ўч олсак, ким билиб борраяпти» деган мудҳиш фикр билан ўз разил режаларини тузадилар. Хизматга чақирилиш сабабларини ҳам Ганч раисдан кўрадилар. Бу ишда раиснинг яқин кишиси Тошат исмли ҳисобчидан фойдаланадилар. Пасттол қишлоғидаги идора олдида супада ухлаб ётган раисни ўлдирадилар. Юзига рўмолча ёпиб (бу унинг пароли бўлади) дам олаётган ҳисобчи тирик қолади. Жиноятчилар бу ваҳшийликлари билан ҳам қониқмай, Қўштамғали қишлоғига бориб, раиснинг укаси Кўчқорни ҳам ўз уйида ухлаб ётган жойида отиб кетишади. Фаоллардан Маман Хуррамов Совсан қишлоғида, ҳосилот раиси Жавҳар Жўраев Шайтонқишлоқ даштида ўлдирилади. Ганч аканинг тўрт ёшли Назар исмли, Кўчқор колхозчининг Бозор исмли беш ойлик гўдаги етим бўлиб қолади. Эндигина турмуш қурган, не-не орзу умидлар билан бир ёстиққа бош қўйган Ганч аканинг умр йўлдоши Имсиной, Кўчқор деҳқоннинг ҳали йигирма беш ёшга ҳам тўлмаган рафиқаси Хонбиби опаларнинг орзулари чилпарчин бўлади. Жиноятчилар Қаршига келтирилиб, суд қилинади, олий жазога маҳкум этилади...

Орадан йиллар ўтди. Етим қолган фарзандлар улғайиб, вояга етдилар. Ҳаётда марҳум оталарининг ўрнини босишадиган бўлишди. Назаржон ҳам, Бозорбой ҳам ҳаётдан эрта кетган отаси Кўчқор акага муносиб ўринбосар бўлиб етишди. Отаси кўрмаган яхши кунларни кўришга муяссар бўлдилар. Падарибузрукворига насиб этмаган ширин ҳаёт уларга насиб этди.

«Оталар жасорати-авлодлар мероси» деган ҳикматли гап бор. Ҳақиқатдан ҳам оталар фарзандларга ўз жасоратларини, одамийликларини мерос қолдиришди. Ганч ва Кўчқор Қурбонов, Жаъфар Жўраев ва Маман Хуррамовларнинг ҳақ ва адолат йўлида ҳалок бўлганлиги катта жасорат ва мардликнинг белгиси эди.

Уларнинг сафдоши Холмат бобо Мансуров шундай эслайди:


— Мен саксон беш йилдан ортиқ яшаб келаётган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган кекса коммунист сифатида гоҳида бир нарсага ҳайрон қоламан. Ганч, Кўчқор, Жаъфар ва Маманлар Совет ҳокимиятини тиклаш йўлида ҳалок бўлишди. Уларнинг орамиздан кетганидан қирқ олти йилдан ошаяпти. Марҳумларни на фирқа, на шўро, на комсомол ташкилотлари эслайди. Ахир улар бегона эмас эди-ку! Бечоралар бойлар зулмини, қаҳатчиликни, очарчиликни ва бошқа қийинчиликларни кўриб, ёруғ кунлар насиб этмади. Уларнинг номини абадийлаштириш, биз тирикларнинг бурчимиз-ку?! Кўчалар, мактаблар, хўжаликлар, кашшофлар дружиналарини шулар номи билан атасак, қандай яхши бўларди...


Уруш ва меҳнат ветеранларининг бу таклифини Қўштамғалилик «Қаҳрамон она»лардан Чаманой Минишева, Зайнаб Бозоровалар, афғон урушининг иштирокчилари А. Жовлиев, Э. Раҳмонов ҳам қўллаб-қувватлашди. Қишлоқдаги Будённий номли мактабнинг педагогик жамоаси, ўқувчи ёшлари ҳам бегуноҳ, жувонмарг бўлиб кетган юртдошларининг хотирасини абадийлаштириш ҳақидаги хайрли ишга жон-жон деб бош қўшиш ниятидалар.

Энди ҳамма гап, халқ депутатлари Қамаши ноҳия Совети ижроия қўмитасидаги ўртоқларга боғлиқ. Сўнгги сўзни улар айтишса ажаб эмас.

**Исмоил АМИРҚУЛОВ,**
**СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.**

Бепоён менинг Ватаним





УКРАИНА. Ҳар йили ихтирочи ва рационализаторлар Бутуниттифоқ жамиятининг Қрим вилоят кенгаши «Рационализаторлик ва ихтирочилик аълочиси» нишонини топширади. Яқинда бу нишонни 10 синф ўқувчиси Дмитрий Сухов (суратда) олишга муваффақ бўлди. У Қримдаги «Искатель» кичик Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси бўлиб, 5 йилдирки, СССР Фанлар академияси қошидаги Бутуниттифоқ астрономия — геодезия жамиятининг Қрим метеорит станциясида ҳамда вилоят ёш техниклар станциясидаги астрономия расадхонасида кузатувларда қатнашади.

Дима 12 марта астрономик экспедицияларда иштирок этди.

Сураткаш К. ДУДЧЕНКО


* * *

Москвадаги Италия ресторани «Арлекино»да «Шакелла студияси» фирмаси ёшлар кийим-кечаклари намойишини ўтказди. Фирма Италиянинг таниқли саноат корхоналаридан бири сифатида маълум.

СУРАТДА: «Педрини» коммерция маркасидаги эркаклар костюми.

А. ЖИГАЙЛОВ сурати (СИТА)

Нуқтаи назар



**Раҳмон Қўчқор ўз тенгдошларига нисбатан анча тез улғайган ижодкор. Унинг дастлаб жумҳурият матбуотида қатор ҳикоялари эълон қилинган. Сўнгра Абдулла Қаҳҳор ижодий меросининг ҳали ўзбек китобхонларига маълум бўлмаган сирли қирралари маҳорат билан очиб берилган туркум адабий мақолалари босилиб чиқди. Адабиётимизга яна бир иқтидорли ёш мунаққид кириб келаётгани ҳаммани қувонтирди. Бу орада унинг кўпгина рўзнома ва жаридаларда адабий, маданий, ижтимоий ҳаётимизга оид босилган мақолалари ҳам кўпчилик томонидан илиқ кутиб олинди.**

**Раҳмон Қўчқор 1961 йилда Андижон шаҳрида таваллуд топган. 1987 йили Тошкент Давлат дорилфунунининг ўзбек филологияси куллиётини битирди. Айни пайтда шу даргоҳда ўқитувчи бўлиб ишлаяпти.**

Раҳмон ҚЎЧҚОР

# ТАҚДИР ТАРОЗИСИ

«Ёш ленинчи» рўзномасининг «Ранг-баранг олам» деб номланган жажжи саҳифасида бир куни қизиқ воқеа ҳақида ўқиб қолдим. Унинг қисқа тафсилоти шундай эди:

Американинг қайсидир шаҳрида яшовчи бир одам ҳовлини бесаранжом қилиб юборганидан аччиғланиб ўзининг кучугини бир-икки калтаклайди. Шу пайтда қўшни ҳовлида фотоаппарат билан сайр қилиб юрган ҳамсояси унинг бу қилмишидан ғазабланиб, воқеани суратга туширади-да, ит эгасини судга беради. Бутун икир-чикирлари билан росмана суд ўтказилиб, жониворга озор бергани учун кучук эгаси ярим йил озодликдан маҳрум этилади ва бунга қўшимча ўзбек колхозчисининг бир йиллик даромадидан ортиқроқ қийматда пул жаримаси ҳам тўлайди...

Албатта, биз буни эшитиб эътибор ҳам бермай миййиғимизда кулиб қўя қоламиз. Бироқ бир муддат барча ташвишлардан бўшаниб ўйлаб кўрайлик-чи — биз ўзи нега куляпмиз, кимнинг устидан куляпмиз. Одамларигина эмас, итларининг ҳам қонуний ҳимояси таъминланган жамиятдан кулаяпмизми? Балки бизнинг қулоғимизга гўдаклигимиздан «Уларда инсон қадри пул билан ўлчанади!» дея қуйишганидан, бошқаларга нафрат руҳида тарбиялашганидан шундаймизми? Боринг ана шундай ҳам бўла қолсин. Бироқ ҳеч ўйлаб кўрганмизми — «уларда пул билан бўлса-да, одам қадрланар экан, биздачи», деб?

Бизда инсон қадри нима билан ўлчанади? Меҳнати биланми?

Ҳозирги ўзбек пахтакорининг, чорвадор ва пиллакорининг меҳнати, ўзининг қадри қандайлигини, бу қадрни белгиловчи, марказдан жуда узоқдаги марказдагилардан бошқа ҳамма билиб турибди. Хўш, етмиш йилдан буён қадримиз нима бўлди, нима билан ўлчанди? Агар яқин ўтмиш манбаларини секин варақласангиз, бу саволга юзлаб жавоблар топасиз. Хусусан, «Қизил Ўзбекистон» рўзномасининг 1948 йил, 7 декабрь сони саҳифаларидан ўқиймиз:

«Ўзбекистон ССР Прокуратурасида.

...Тошкент область, Юқори Чирчиқ районидаги «III Интернационал» колхозининг бригада бошлиғи Ҳусанбой Сориев йиғим-терим вақтида пахтанинг нобуд бўлишига доим йўл қўйиб келган. Текшириш вақтида дала билан хирмон ўртасидаги йўлдан 51 кг пахта йиғиб олинди. Бундан ташқари чаноқларда кўп пахта қолдириб кетилган. Халқ суди Ҳусанбой Сориевни Жиноят кодексининг 166³ моддасига мувофиқ 3 йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди.

...Самарқанд область, Пахтакор районидаги Дзержинский номли колхознинг бригада бошлиғи Эшбўта Норбўтаев кўсаклари очилган бир ярим гектар пахта майдонига сув қўйиб юборган. Натижада 125 кг пахта чириган. Норбўтаев 2 йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди...».

Мана шу — қадри беш олти пуд пахтачилик турмайдиган одамларнинг аксарияти куни кеча урушдан қайтган, куни кеча шу тупроқни, шу Ватанни, шу ҳукуматни деб умрида қилмаган ишни қилган — одам ўлдирган, уй бузган, ўликлар устидан ҳатлаб ўтган, ўқ отган, ўқ еган. Мана шу — ўзи ҳимоя қилган Ватани, ҳукумати эса уни ердан чиқадиган, ўзи етиштирган, 51 кило тош босадиган ўсимликча кўрмаган. Пахта нобуд бўлмаслиги учун одам нобуд қилинган, бу нобуд қилинаётганлар ҳақида элга намуна кўрсатиб рўзномаларда ҳафта оралатиб хабарлар эълон этилган...

Ўзбекистон ССР Прокуратурасининг айбнома рўйхатини ўқишда давом этамиз:

«...Иштихон районидаги Сталин номли колхознинг хирмон қоровули Мавлон Раҳимов қўлидаги ёниб турган чироқни пахта устига тушириб юборган. Ёнғин натижасида 58 кг пахта куйиб кетган. Халқ суди Раҳимовни бир йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди...» ва ҳакозо.

Агар Мавлон ака кечаси ширин уйқусини бузмай, хирмондан хабар олиб юрмаганида... йўқ, унда қоровул бундан ҳам қаттиқроқ жазоланар, «халқ душмани», «пахта душмани» аталиб, балки отиб ташланар эди.

Энди сўрарсиз: «Шоирлар-чи, шоирлар, нима қилишарди», деб. Шоирларми, шоирларнинг «шодликдан» юраги ёрилиб турар эди, уларнинг аксарияти халқига мана бундай хизмат қилишарди:

«Каттақўрғон ҳовузи қурувчиларининг Сталинга юборган табрикномаси.

Сув устида ўт ёқамиз буюрсанг,
Ўт устида гул тақамиз буюрсанг.(!)
Керак бўлса Жайҳундан ҳам
кучлироқ,
Тўлқин бўлиб биз оқамиз буюрсанг.
Баланд бўлсин булутдан ҳам
қирғоғи,
Фалак бўлсин бу денгизнинг
қопқоғи.
Буйруғингни бажо қилмай ечилмас,
Ўзбек халқин бахтин белбоғи.

(«Қизил Ўзбекистон» 1947 йил, 1 май).

Бундай шеърни ҳаётнинг қадрини вақтида билиб қолган қайсидир шоир ёзиб берган, албатта.

Хўш, бизда инсоннинг қадри нима билан ўлчанади?

Фидокорлиги биланми?..

Яқинда бир талаба йигит кўнглига яқин олиб менга ўз тақдирини гапириб берди. У 18 ёшга тўлиб, ниҳоят жамоа хўжалигининг крепостнойлик тузумидан қутулиш имкониятидан фойдаланиш ҳақида ўйлай бошлаши билан ҳарбий хизматга чақирилади. «Кўнга келган тўй», дейди. «Бориб шонли Қуролли Кучлар сафида чиниқиб қайтаман», деб ўйлайди. «Молодойлик»нинг хўрликларига чидаб, байналмилалчилигимизнинг ҳақиқий қиёфасини шу ерда ўз кўзлари билан кўриб, бир йилни ўтказади. Йўқ, у барибир «катта насибаси»ни олади; унинг энди «дед» бўлиб қолгани ҳам, соддалиги, меҳнаткашлиги, олдида ҳеч нимага арзимайди. Йўқ ердан баҳона топган мовий кўзли бир сержант темирдай этиги билан унинг кўкрагига тепади... Оғир операциядан чиққач, у тўрт ой госпитал шифтига термулиб ётади, уйга хабар бермаслик ҳақида кетгандан-кейин таҳдидлар эшитади. Ниҳоят сўққа тургач, хизматга ярамайдиган сифатида юртига жўнатиб юборишмоқчи бўлишади. Бироқ қариндош-уруғ, қўни-қўшни олдидаги орият унга тўсқинлик қилади — хизматни охирига қадар ўтказиб келиш мақсадида қолади. Бироқ бу йигитни яна бир мовий кўзли ажал фариштаси кутиб турар эди.

Хизматининг тугашига бир ярим ой қолганида Чернобилда станция портлайди. Уларнинг бўлинмасини биринчилардан бўлиб авария ўчоғига ташлашади, ... Бир ярим ой давомида бошқалар қатори 18—20 ёшли йигитларнинг танаси билан тўсилади. Бир ярим ой давомида бошқалар қатори бизнинг йигит ҳам тўйиб «нур эмади». Ниҳоят, хизмат охирлаб уйга қайтаётганида уни, албатта, орденсиз тегишли хужжатлар ... юборишажагини, ҳукумат уни эътиборсиз қолдирмаслигини ваъда беришади. Бола ўзидан ўтганини ўзи билади — келиб уйланмаслик учун турли важ-корсатади, бироқ ҳеч нарсадан хабарсиз ота-она яхши ният билан уни уйлаб қўйишади.

Орадан тўрт йил ичида ортирган иккита фарзанди ҳам муддатидан олдин туғилади, каттаси мана учга кирапти, ҳалигача юрмайди, кичиги бўлса етти ойда тушган. Йигитнинг ичи тўла дард — бир ёқда мактабдаги кирдикорлари учун танқид қилиб қўйгани — илмий мудир кимларгадир пул бериб уни ўлдиртириб юборишга «ваъда берган», бошқа ёқдан эса нур эмиб орттирган касалликлари тобора ўзини кўрсатяпти. Бунинг устига 24 ёшга кирган йигитнинг ҳоли қуриб боради, ҳеч нарсадан хабарсиз хотини бўлса ойлаб бирга ётмай қўйган эрининг кун кеч бўлди дегунча арзимас нарсадан баҳона топиб жанжал чиқараётганидан ҳайрон, юраги сиқилади. Йигит Москвага бориб даволанмоқчи бўлади, бироқ қўли қисқа. Ваъда қилинган хужжатлардан бўлса ҳамон дарак йўқ, худди Маркеснинг полковнигига ўхшайди — унга ҳам ҳеч ким ёзмайди. Одам керак эди — хизмат қилдиришди, унинг танаси билан ўз айбларини ёпишга эришишди, энди бўлса бу одамнинг ҳеч кимга кераги йўқ — бирор эсламайди...

Хўш, бизда одамнинг қадри нима билан ўлчанади?

Билими биланми?

Ҳозир талабалар шаҳарчасида одам кўпайгандан-кўпайган. Қабул имтиҳонлари ўтяпти. Фарзандларини етаклаб келган ота-оналар меҳмонхоналардаги «сестричкадан» нафратли нигоҳ билан сийлангач, Тошкент иссиғида кўчама-кўча сарсон бўлиб кезишади. На ётиб-туришда, на еб-ичишда тартиб, сифат йўқ. Ўзбекистоннинг эмас, бошқа бир жумҳуриятнинг пойтахтида юришгандай бўйинлари қисилган. Уларга фақат бир умид — боласи ўқишга кириб олиши кучи, сабр-қаноат беради.

Ана, олдинда ота, орқасидан иккита қизча (бири кўзининг қизи бўлса керак!) хужжат топширгани кетишяпти. Мен уларни сал орқароқдан кузатиб бораман. Отанинг эгнида йўл-йўл тринка шим, оригинидан камарни қўшимча тешиб боғлаган, шим унинг белида турмакланиб қолган. Шу иссиқда жигарранг нейлон кўйлак кийган, ундан чиқиб турган қорни ... Бошида бўлса ўзига сал каттароқ арзон дўппи. Қизларнинг оёғида шаҳарликларнинг истеҳзоли қарашига сабаб бўлаётган товони йўғон, учи тўмтоқ оқ туфли, эгниларида шапалоқ гулли матолардан кийим. Мен шу топда уларнинг ичида кечаётган туйғуларни ҳис қилишга уриндим. Негаки, ўзим ҳам бу аҳволга неча бор тушганман. Қизларнинг кўнгли, ҳавоси айниб кетган «общий вагон»да келгунча бироз бузилган бўлмасин, ишончга тўла. Чунки, мактабда ёмон ўқишмаган, «олтин медал»ни қишлоқ катталарининг болалари олишган бўлса-да, булар ўз билимларига ишонишади. Қолаверса, улар Ленин номидаги дорилфунунга келишяпти, бу ерда ўқишга киролмай аламидан турли гаплар тўқиб юрганларнинг айтганлари — ҳар-хил виждонсизликларга ўрин йўқ. Энг асосийси бўлса, уларнинг оталари бирга келган, унинг қўлидан кўп иш келади, оталари ҳалол одам, мабодо бирор англашилмовчилик бўлган тақдирда ҳам албатта бошқа бир ҳалол одам топилиб, уларнинг отасини тинглайди, адолат қилади...

Бироқ уларга қараб туриб менинг юрагим безиллайди. Қизларнинг умидлари пучга чиқиб, ўқишга киролмай қайтишларидан эмас, улар ишонган отани, шу индамай, дардини ичига ютиб бораётган, ҳали қишлоқдан чиқмай турибоқ умидсиз бўшлиққа кетаётганини ҳис қилган, бироқ буни бировга, айниқса унга ишонган қизларига айтолмай қийналаётган отанинг яна ярим соатдан кейин кўражак хўрликларини ҳис қилиб юрагим увишади. Қизлар адолат қилмоғига умидланган катталар у ёқда турсин, ҳужжат қабул қилувчи, ҳали бурнига бирор маротаба сув кирмаган йигитчалар ва қизчалар уларнинг отасини бемалол устидан кулишлари, қизларининг олдида беҳурмат қила олишларини ўйлаб... гангиб қолган ота бундай муомилага жавоб бера олмай янаям қорайиб кетишини, иложи борича қизларининг кўзига қарамасликка уринишини, кўнглидаги озгина шаффоф умидни остона ҳатламай топташгани учун яна ўзини койишини ўйлаб юрагим безийди. «Акажон», бекор кебсиз, бу ерда одамдан арзон нарса йўқ» дегим келади. Бу ерда иссиқдан қовжираб, ярмига сув қўшилган ичимликни ичаётганда бехосдан қўлингиздан тушириб юборганингиз стаканчалик одам қадрланмайди», дегим келади. Трамвайда беш тийинлик паттасиз юрганингиз учун (чунки Сиз бунақа тартибни шу ерга келибгина кўрдингиз!) Сизнинг билагингиздан ушлаб тортқилаётган, ҳамманинг олдида ўсал қилаётган қизил боғичли «халқ назоратчилари» учун Сиздан кўра уч сўм қимматроқ. Чунки, вилоятлардан сиздай содда кишиларнинг келишлари кўпайган бугунги кунлар булар учун «ов даври» ҳисобланади. Қарангки, мана шулар ва мана шу йўл билан ҳукумат коммунизм қурмоқни ўйлайди...

Сизнинг қизларингиз, Сизнинг фарзандларингиз ўқишга киришлари жуда ҳам гумон. Негаки, бу ерда ҳам ўзининг қозонбошилари, ўзининг яловчилари, ошалаб олувчилари бор. Агар шунақалар бўлмаганида ҳар йили битириб чиқадиган минглаб ҳуқуқшуносларни марказдан келган ўн-ўн бешта устамон маймундай ўйнатармиди, халқни шунчалик хўрлай олармиди? Агар шу яловчилар бўлмаганида ўзбекнинг юз минглаб қўлёзма китобларини ўқиб-ўрганувчи топилмасмиди? Агар шулар бўлмаганида Сизнинг қизингиз ҳужжат топшираётган куллиётнинг битирувчилари «XIX аср нечанчи йиллар бўлади?» деган саволга «Бир минг беш юзинчи йиллар» деб жавоб берармиди? Бошқа бир куллиётга минглаб талабгорлардан танлаб олинган зўрларнинг зўри бўлмиш талаба битириш имтиҳонида таниш ўқитувчи осонгина ўтказиб юборишни ўйлаб «Қани, фалончиев, АҚШ қисқартма отини тўла ёйиб, чўзиб берингчи», деган мурожаатига жавобан жиддий туриб, бир-икки тамоқ қириб олгач, чўзиб: «А-а-аа-қ-и-и-и-и-шш» дермиди...

Хўш, бизда инсон қадри нима билан ўлчанади?

Туркийларда қадимдан аёл шаъни жон тикиб муҳофаза қилиб келинган. Бизнинг ўғлонлар сингилларини кўчага ташлаб қўйишмаган, ожиза жигарларининг номуси учун ўзини қурбон берган. Аёлнинг аҳволи учун биринчи навбатда эркакка таъна қилинган ва тўғри қилинган. Афсуски, ҳозир мана шу дахлсиз қўрғонларимизга ҳам шикаст етмоқда — опа-сингилларимиз турли вазиятларда турли кимсалар томонидан хўрланмоқда, ҳимоясиз қолмоқда, кўчада қолмоқда. Бунда ҳам биргина мисол ила чекланаман. Куни кеча покиза бир аёлнинг йиғлаб айтиб берган ҳикоясини унга яқин одамдан эшитиб ожизлигимиздан, қўлимиздан ҳеч нарса келмаслигидан эзилиб ерга кириб кетай дедим. Дунё гўё тинч, бироқ бу сокинлик эзаётган, унга исён кўтариб бақираётган қўли калталарнинг овозини ўзидан бошқа эшитмаётган ҳолатга гарангсиб боқдим. Янги даврнинг ўзига хос қатли оми бўлмиш «пахта иши» туфайли ўша аёлнинг ҳам хўжайинини арзимас баҳона билан олиб бориб тиқиб қўйишади. Аёл адолат қидириб бормаган жойи қолмагач, тақдирга тан бериб эрини кутади. Учта ёш бола билан одамларнинг турли маънодаги нигоҳига чидаб яшайди. Ниҳоят, топган-йиққани қўлга илинарли бўлганида болаларини эргаштириб турмага-эрини кўргани келади. Тинка қуритарли сарсонгарчиликлар, ҳар-хил савол-сўроқлардан сўнг уларни оталари билан учраштиришга рухсат беришади. Дийдордан бурун эса уларнинг қўлидагиларни, ўзларини тафтиш қилишади. Олиб келишган жўнгина майда-чуйдалари роса титкилангач, навбат она-болаларга келади. Иккита ҳирсдай турма назоратчиси, елкасига чиқариб қўйилган унвони кичик сержант бўлишига қарамай, ўзларини бу ернинг пайғамбари санайдиган иккита бетамиз аввал ёш жувоннинг бутун танасини пайпаслаб, қўл кўригидан ўтказадилар...

Аёл одам бўлиб туғилганига, кунлари шу махлуқлар қўлида қолганига, «Эй, нима қиляпсан» дейдиган бирорта инсон, бирорта қонун йўқлигига ичдан зил кетиб йиғлайди. Бироқ дарров бу йиғини тўхтатишга, акс ҳолда оталари билан учрашишни тушларида кўражакларига буйруқ олишади. Оталарига бу ҳақда лом-лим дейишмай, нуқул ерга қараб, қийналишмаётганини айтишади...

Хўш, бизда инсон қадри нима билан ўлчанади?

Умуман, ўлчанадими?

Бу қадрнинг бирор даражада қиймати борми? Инсон чидаши мумкин бўлган хўрликнинг чегараси қаерда, бу чегарани ким белгилайди? Одамларимиз кўзида қўрқув, ҳадик, омонат ҳаёт ифодаси қачонгача жовдирайди. Савол... савол... савол...

Мен эслаганим тўрт ҳодиса ушбуни ўқиган кунингиз ҳам турли шамойилда юзлаб маротаба такрорланади, эртасига яна юз бераверади. Бу — инсон қадрини эзғиловчи тегирмонни тўхтатиш йўли бўлса менга ўз қадримиз тарозисини ўз қўлимизга олиш бўлиб кўринади.

Сизга-чи?!

# Хориждан хабарлар

## ОРЗУ-УМИДЛАРНИ ОҚЛАЙЛИК

**КПСС XXVIII съездининг иши ҳали ҳам чет эл оммавий ахборот воситаларининг етакчи мавзуси бўлиб турибди. Халқаро матбуот Кремль Съездлар саройида авж олган мунозараларнинг боришини шарҳлар экан, унинг ҳам танқидий руҳини, ҳам делегатларнинг партия ва жамият олдидаги муаммоларни бартараф этиш йўлларини излашга интилаётганликларини уқтиради.**

«Янгиланган КПСС қандай бўлиши керак? Парламент типидаги партия бўладими ёки авангард партиясими? Ҳозир бу масалалар съездда давом этаётган мунозараларда марказий ўринни эгаллаб турибди», — деб ёзади «Нойес дойчланд» рўзномаси. Рўзнома КПСС бошидан кечираётган қийинчиликларнинг асосий сабаби энг аввало кўпгина туб масалалар юзасидан асосли илмий йўналиш йўқлигини уқтирар экан, айни вақтда делегатларнинг кўпчилиги коммунистик истиқболдан воз кечишни хоҳламаётганлигини таъкидлайди.

Болгарияда чиқадиган «Отечествен вестник» рўзномаси съезд дастлабки иш ҳафтасининг якунларини таҳлил этиб, унинг делегатлари амалий ва ижобий ишлашга интилаётганини қайд этади. Узил-кесил хулосалар чиқаришга эрта бўлишига қарамай, деб ёзади рўзнома ҳозирнинг ўзидаёқ турли-туман фикрларга эга бўлган делегатлар ўртасида мутлақо тўла якдилликка эришилганини таъкидлаш мумкин: М. С. Горбачев партия раҳбари бўлиб қолмоқда.

«Дума» рўзномаси КПСС съездида бўлажак партия раҳбарияти сайлови муносабати билан қуйидаги фикрни алоҳида таъкидлайди: делегатлар ўртасида ўтказилган савол-жавоб натижасига мувофиқ, М. С. Горбачев «энг юқори лавозимга кўрсатилиши мумкин бўлган бошқа номзодларга нисбатан жуда юқори баҳо олган».

## Яқин, Ўрта Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида

● ҚОҲИРА. Исроил касалхоналарида Исроил меҳнат умумий федерациясига аъзо бўлган шифокорларнинг ялпи иш ташлаши ўтказилмоқда, деб хабар қилади МЕНА агентлиги. Мамлакатдаги барча шифокорлар қўллаб-қувватлаётган иш ташловчилар мамлакатда нарх-навонинг ошиб боришидан орқада қолаётган иш ҳақининг кўпайтирилишини талаб қилмоқдалар. Исроиллик шифокорлар ҳозирнинг ўзидаёқ бир неча марта ана шундай огоҳлантирувчи иш ташлашлар ўтказдилар — фақат сўнгги икки ҳафтанинг ўзида Исроил касалхоналари учинчи марта ишламай қўйди. Маъмурлар июль ойининг охирига қадар шифокорларнинг талабларини қондирмаган тақдирда улар ишни бутунлай тўхтатишга ва ўзлари қўйган барча шартларнинг бажарилишини талаб қилишга тайёрлар.

● БАЙРУТ. Исроил авиациясининг Ливан ҳудуди ичкарисига қилган навбатдаги ҳужуми давомида икки киши ҳалок бўлди, ўндан зиёд одам яраланди.

Исроил ҳарбий ҳаво кучларининг олтита тайёраси якшанбанинг иккинчи ярмида Бекаа водийсининг жанубий қисмида жойлашган Айн Бусуар ҳамда Жаржуа аҳоли пунктлари атрофига ракеталар билан зарба берди. «Ас Сафир» рўзномасининг Исроил манбаларига таяниб хабар беришича, Исроил шимолий ноҳияларининг реактив снарядлар билан ўққа тутилишига жавобан эронпараст «Хезболлаҳ» ташкилоти объектларига қарши зарба берилган.

Босқинчилар артиллерияси «Хавфсизлик зонаси» деб аталадиган жойдан четда бўлган Жанубий Ливаннинг бир қанча аҳоли пунктларини ўққа тутди. Айн Бусуар, Млита, Жаржуа, Жобил Сафи, Заутар ва бошқа қишлоқлар миномётлар ва танк тўпларидан ўққа тутилди. Деҳқонларнинг уйлари, экинзорлари ва боғларига катта моддий зарар етказилди.


● ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг шимоли-шарқидаги Трипур штатининг катта қисмида юз берган оммавий тартибсизликлар чоғида уч киши ўлдирилди ва 50 дан зиёд одам яраланди. ПТИ агентлигининг хабар қилишича, штатдаги тўполонлар Трипури автоном округ Шўроларидан бирига депутатлар сайланаётган бугунги кунга тўғри келди ва қарама-қарши курашаётган сиёсий партиялар, асосан Ҳиндистон миллий конгресси (И) ва Ҳиндистон Коммунистик (марксистик) партиясининг ташвиқотчилик фаолияти туфайли юз берди. Агентликнинг полиция маълумотларига асосланиб берган хабарига қараганда, Ҳиндистон Коммунистик (марксистик) партияси билан Ҳиндистон миллий конгресси (И) ўртасидаги тўқнашувлар чоғида бир неча марта ўқ отиш қуроллари ишга солинган, бомбалар портлатилган. Ҳар икки партиянинг жангарилари ўз сиёсий рақиблари яққол муваффақият қозонаётган участкалардаги сайлов қутиларини қўлга киритишга уриндилар. Шунингдек, бир қанча сайлов участкаларига ўт қўйишга уринишлар ҳам бўлди, бироқ, полициянинг ўз вақтида аралашуви туфайли фалокатга йўл қўйилмади.

Мазкур икки партия фаоллари ўртасидаги тўқнашувлар ҳозир ҳам давом этмоқда.

* * *

Атиги сўнгги икки кун ичида Ҳиндистоннинг Тамилнад штатига Шри-Ланкадан қарийб 3000 нафар қочоқ келди. «Санди обсервер» рўзномасининг хабар қилишича, Шри-Ланкалик яна бир неча минг тамил ўзлари полк кўрфазидан ўтиб, нажотбахш ҳинд тупроғига қадам қўядиган дақиқани сабрсизлик билан кутмоқда. Шри-Ланка ҳукумат қўшинлари билан «Тамил илама» озодлик йўлбарслари» (ТОТИ) Тамил ҳарбийлашган гуруҳи ўртасида шафқатсиз жанглар борар экан, қочоқлар ҳам кўпаяверади: тинч аҳоли биродаркушлик уруши жаҳаннамидан қутилиб чиқиш учун ҳамма нарсани ташлаб кетишга тайёр.

(ТАСС).



**Кейинги пайтларда Албания давлати ҳам халқаро алоқаларни ривож топтирмоқда. Айниқса, саёҳатчиларнинг мамлакат тарихига, маданиятига ва тарихий обидаларига бўлган қизиқиши ортиб бормоқда. Чунки мамлакатда улар эътиборини ўзига жалб қилувчи «кўзга яқин» жойлари кўп. Сиз суратда кўриб турган Анвар Ҳожи музейи ҳам Тирана шаҳридаги «кўзга яқин» жойлардан бири.**

СИТА сурати.

## МАҲСУЛОТЛАР НАРХИ ОШИРИЛДИ

ПРАГА. Чехословакияда 30 минг хил маҳсулотнинг нархи оширилди. Халққа ёқмайдиган бу тадбир анчадан буён тайёрланар эди ва шу сабабли аҳоли учун кутилмаган воқеа бўлмади. Одамларни ҳаммадан ҳам кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматлашиши ташвишга солаётган эди. Яқинда ўтказилган жамоатчилик фикрини сўраб билиш фуқароларнинг деярли ярми озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг оширилиши оилавий бюджетга, айниқса, оғирлик қилади, деб ҳисоблашини кўрсатди. Озиқ-овқат дўконлари, жумладан, валютага озиқ-овқат сотиладиган дўконлар олдидаги одатдан ташқари узун навбатлар бунга ҳар қандай статистик ҳисоб-китоблардан кўра яхшироқ далил бўлди.

Ҳар қалай аҳоли нарх-наво кўтарилишида муқаррар равишда вужудга келадиган қийинчиликларга тайёр эди. Одамлар яқинда бўлиб ўтган сайловда нарх-наво тўғрисидаги ўз қарашлари ва ниятларини яширмаган номзодлар учун овоз бериб, бундай йўлни ихтиёрий тарзда танлаган эдилар.

(ТАСС).

## КЕЛАЖАКДА ЕРЛИКЛАР ҚАНЧА БЎЛАДИ?

ВАШИНГТОН. Сайёрамиз аҳолиси ҳозир 5,3 миллиард кишига етди ва ҳар 11-12 йилда 1 миллиард кишига кўпаймоқда.

БМТ мутахассисларининг фикрига қараганда, сайёрамиз аҳолиси 2010 ва 2065 йиллар орасида бир хил даражада барқарор туриши, яъни туғилаётганлар билан ўлаётганлар сони тахминан бир хил бўлиши керак. Турлича тахмин усулларига кўра, бу пайтга бориб сайёрамиз жами аҳолиси 7,5—14,5 миллиард кишига етади. Жанубий Осиёда 2,7 миллиарддан 4,2 миллиардгача, Африкада 1,4 миллиарддан 4,4 миллиардгача аҳоли яшайдиган бўлади.

Нуфусшуносларнинг таъкидлашича, сайёра аҳолисининг кўпайиши «портлаш»дан кўра аста-секин, лекин тўхтовсиз сурилиб бораётган музликка ўхшайди. 90-йиллар вазифаси, деб ҳисоблашмоқда америкалик нуфусшунослар, ер аҳолисининг кўпайиш жараёнлари йўналишини тушунишга ва уни самарали равишда секинлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга уринишдан иборат бўлади. Ердаги бўлажак ҳаётнинг сифати, кўп жиҳатдан ана шу уринишнинг муваффақиятига боғлиқ бўлади, дейишмоқда улар.

(ТАСС).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

### ИТЛАР БЎРИЛАРГА ҚАРШИ

● ҲОЗИРГИ кунда Италиянинг дала, ўрмон ва яйловларида 80 минг ёввойи ит изғиб юрибди. Улар бўриларнинг кўпайишига жиддий хавф туғдирмоқда.

Ёввойи итлар жуда тез кўпаяди. Демак, бўрилар учун емак топиш ва яшашга жой ўзўзидан торайиб, қийинлашиб бормоқда. Лекин бу ҳам ҳали ҳолва экан. Италиялик биологларнинг таъкидлашича, бўрилар итлар билан чатишмоқда. Бу эса ҳақиқий бўриларнинг тез орада йўқолиб кетишига сабаб бўлади, дейилади «Интерэшнл уайлдлайф» жаридасида босилган хабарда.

### ЧАНГ ЮТГИЧ КИЙИМ

● РАДИОЭЛЕКТРОНИКА — худди тиббиёт сингари фақат тозаликда иш олиб бориладиган тармоқ ҳисобланади. Йиғилаётган қурилмага тузнинг жуда кичик кристали, сочнинг ёки газмолнинг бирор бир толаси тушиб қолса борми ёки ишчи-мутахассис терлаб кетса, ишнинг пачаваси чиқди деяверинг. Шунинг учун японийлик мутахассислар радиоэлектроника қурилмалари ишлаб чиқарадиган корхоналарда ишлайдиган ишчилар учун махсус кийим ўйлаб топдилар. Руминиянинг «Штиинцэ ши техникэ» жаридасида таъкидлашларича, бу кийим оқ чойшабдан тикилган бўлиб, унга митти насос ўрнатилган. У ишчи танасига салқин ҳаво бахш этиш билан бирга, ҳар қандай ғуборни ўзига тортиб олади.

### «СЕМИЗ ГЎЗАЛЛАР» КЎРИГИ ҒОЛИБИ

● ЯҚИНДА Италиянинг Пиза вилоятида аёллар ўртасида «Семиз гўзаллар» кўриги бўлиб ўтди. Унда александриялик 53 ёшли аёл Анжела Мазини ғолиб чиқди. Унинг оғирлиги 145 килограмм бўлиб, бўйи 1 метру 67 сантиметрни ташкил этади.

Анжела «Супер—100» клубининг аъзоси. Бу клубга ҳамма ҳам қабул қилинавермайди, унга фақат оғирлиги 100 килограммдан ортиқ аёллар қабул қилинади.

Қизиғи шундаки, Анжеланинг эри атиги 70 килограмм.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

## «Нишона»



Е. Асронова 1971 йилда Андижон вилоятининг Жалолқудуқ ноҳиясида туғилган. ТошДУ журналистика куллиётининг 2-курс талабаси.

Шеърлари жумҳурият матбуотида илк бор эълон қилинмоқда.

## ТИНГЛА

Еримиз ўқидан ажралгани йўқ,
Осмон қуёшидан, ой юлдузидан.
Ҳатто айрилмасдан милтиқдан
бир ўқ —
Мен куйиб қолдимми — она изидан?!

Ўлса қутулармиз дейишган чоғда,
Усмон, Чўлпонлар ҳам такрор
қайтдилар.
Тунлар, кунлар ўксик бошимни
силаб —
Онанг қайтмайди деб айтдилар.

Капалаклар қайтди яна чаманга
Қушлар ўз юртини этмадилар тарк.
Тасаннолар айтиб кўркам Ватанга
Қаранг, дарахтларни унутмабди барг!

Бир-бирига бегона қалблар сирлашди,
Етим севгилар ҳам тирилди қайта.
Шабода эзилган ҳолимни кўриб
«Қайтмадими онанг?» деди ҳайратда.

«Онажон! Бир баргча бўлолмадингми?
Бўлмайсанми ахир битта қушчалик?!
Қулоқ пардаларинг йиртилиб кетсин—
Тингла! Сен ташлаган қиз ҳали
тирик»...

## БУВИМ ИЛТИЖОСИ

Ягонам, биласан, менинг ўғлим йўқ,
Тўрт ўғил туғиб бер, илтимосим шу!
Дунёда яшадим — сени ўссин деб,
Очиқ кўз-ла кетмай ҳаётдан мангу...

Тўрт ўғил туғиб бер, бу тўрт ўғилни
Сендан-да авайлаб боқаман, ишон!

Дилда сақлаганим илиқ меҳрни
Шунга атагандим, орзиқиб ҳар он.

Иншоолло, уларни, ўғлим деб атай,
Кўчадан етаклаб ўтайин ўзим.
Кўп орзу қилганим—кунларга қайтай
Ҳавас-ла одамлар тиксинлар кўзин...


Қизим, ҳақиқатни очайин, келгин,
Мен энди ёш эмас, қаридим охир!
Тобутнинг тўрт бурчин қуш
кўтармасин —
Шамол ҳам учириб кетмасин ахир!?

## МЕНИ УНУТ

Баҳор келса, оқшом чоғи боққа
чиқиб,
Таниш жойда дардларингни ичингга
ют.
Ҳижрон, висол деворларни аста йиқиб
Мени унут, мени унут, мени унут!
Баҳор келса, оқшом чоғи чиқиб
боққа,
Гар юрагинг безовта-ю, чақнаса ўт.

Кўзларингга қўнса ҳамки ёшлар
жиққа
Мени унут, мени унут, мени унут!
Баҳор келса, боққа чиқиб оқшом чоғи.
Кечикса ҳам кечир уни, интизор кут.
Эҳтиёт қил, нозик-қизнинг кўнгил
боғи —
Мени унут, мени унут, мени унут!
Баҳор келса, уйгинангда гўзал оқшом,
Карнай янграб, ташқарида гувласа ўт.
Остонангга ўзга дилбар қўйса қадам
Фақатгина мени унут, мени унут!
Оҳлар билан, алам билан мени унут!!!

Ерқиной АСРОНОВА.




Бир гуруҳ ёшлар ижодий сафар билан қадимий ва навқирон Хивада бўлдик. Бизни яхшигина кутиб олишди. Унча узоқ давом этмаган расмрусумлардан кейин кечқурунги қўнимгоҳимиз «Хоразм» меҳмонхонасига жойлашдик. Ҳамхонам қўшни Қозоғистон ССРнинг Чимкент вилояти, Сайрам ноҳиясидан педагог, шоир Анвар Пардабоев. У жумҳуриятимиз вақтли матбуотида ўз шеърлари билан бир неча бор қатнашган. Унинг яна бир «мотосаёҳатчи» деган касби бор. Мен буни ўзаро суҳбат чоғида билиб олдим.

«Саёҳат-роҳат» дейди халқимиз. Уни ҳар ким ҳар турли тушунади. Биров тайёрада, бошқа бировга поезд деразасидан табиат яратган манзарани кўриб кетганга нима етсин. Яна шундай ажойиб саёҳатчилар борки улар отда, ҳатто пиёда дунё кезишади.

Анвар Пардабоев эса мотоциклда саёҳат қилишни хуш кўраркан. Гарчанд бу унга енгил кўчмаётган бўлса ҳам. Хонага кириб келганимда унинг офтобдан қорайган юз-қўлларига кўз тушганида, бунинг ҳаммаси «ўзгача» саёҳатнинг «шарофати» эканлигини билмагандим.

— Ўтган йили биринчи сафарим, — деб гап бошлайди саёҳатчи. — Фарғона воқеалари кунларига тўғри келиб қолганди. Маршрутим Сайрам — Тошкент — Сулаймонтоғ бўлганлиги сабабли «Камчик» довони орқали водийга етиб олишим керак эди. Довон милиция томонидан назорат қилинаётганлиги сабабли рухсат олишга анча овора бўлдим. Йўлда мен Ангрен сув омборини, кончилар маконини томоша қилдим. «Худонинг жамолини кўрмоқни истасанг тоққа чиқ» деган гап бор халқимизда. Ҳақиқатан ҳам 3-4 минг метрдан зиёд бўлган жойдан туриб пастдаги шилдираб оқаётган сержило сойни, ямяшил дов дарахтни, табиатнинг ҳуснига- ҳусн қўшиб турган сервиқор чўққиларни томоша қилиш кишидаги гўзалликка бўлган завқ-шавқни рухлантиради. Бор чарчоғингни унутасан киши.

Фарғона водийсининг манзарасини ҳеч қаерники билан таққослаб бўлмайди. Гўзалликда танҳолигига сўз йўқ. Бу маскандан ўзбек шеъриятига ўзининг нафис ғазаллари билан салмоқли улуш қўшган беназир шоирлар етишиб чиққан. Йўл-йўлакай Бобур, Фурқат, Машраб, Чустийларнинг юртларини зиёрат қилдим.

Иккинчи сафаримга қўшниларим Нурхон ва Мираҳмадлар кўпроқ сабабчидирлар. Уларга сафар таассуротларим ҳақида гапириб берсам, «қип-қизил ёлғончи» бўлиб қолдим.

Мотоциклнинг «саломат»лигини текшириб бўлгач, йўл ҳаракатини қилиб Бухоро томон юриб, эрталаб 5 да чиққанимдан соат ўнда Жиззахда нонушта қилдим. Самарқандни — боболар юртини зиёрат қилдим. Эрталаб соат 8 да эса Бухоронинг Арк дарвозаси томон йўл олдим. Қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг диққатга сазовор жойларида бўлиб, янги дўстлар орттириб она қишлоғим Сайрам томон ошиқдим. 1476 километр йўл босиб манзилимга етиб келдим.

Хивада «Ёш ленинчи» байрами ўтказилишини ўқидим-у оромим бузилди. Меҳнат таътилимни олиб яна йўлга тайёрландим. «Саманим»ни чиройли қилиб безадим. Олдига эса, узоқдан қараганда ялт этиб билинадиган қилиб Сайрам — Тошкент — Урганч — Хива деган сўзларни ёздим.

Хивага сафар қилиш мўлжалдагидан бир-икки ҳафта олдин бўлди. Аслида режам Хоразм қовунларининг пишиғи даврига тўғри келарди.

Кўрган кечирганим учун Самарқанд-у Бухорода тўхтаб ўтирмадим. Фақат сафар туфайли орттирган Самарқанд вилоятилик бир ошнамнинг қўлидан бир чойнак чой ва икки сих кабоб едим.

Орзиқиб кутган Амударё кечувига ҳам етиб келдим. Ғарибгина Амударё. Бундан атиги бир неча йил муқаддам пишқириб оққан, қирғоқларини беаёв ўпирган — мастлигидан ҳайқирган дарёни тасаввуримга сиғдиролмадим... Тоғ, дашт, чўл-у, биёбонлар оша 1100 километрлик йўлни 26 соатда босиб ўтиб байрамга етиб келдим.

Бизнинг сафаримиз қариб, байрам ниҳоясига етай деб, қолганди. Анвар ака эса яна сафарга отланаяпти. Ҳойнаҳой уйига бўлса керак. Сўрасак умуман бошқа ёққа экан. У сафарини давом эттириш мақсадида Орол томон йўл олди.

Мирза АБДУЛЛА.



—Ўзингни ҳимоя қил, дугона...

Г. ХАМЕЛЬЯНИН ва А. ЯҚОВЛЕВ суратлавҳаси. (СИТА)

## БЕШИК ТОҒ

### (ҚАТРА)

Орол томондан қум, туз тўзони билан кўтарилган шамол дераза тирқишидан уй ичига киради. Бешикни маҳкам қучган келин бўзлаб алла айтмоқда:

**«Бу ўлимнинг дастидан**
**Куйиб кетди юрагим**
**Гўдакларим доғида**
**Тугаб битди тилагим».**

Қайнонанинг манглайида ҳам янги ажинлар пайдо бўлиб, қадди баттар букилгандай... Назарида паҳлавондек ўғли ҳам анча чўккандай. Онанинг юраги тилка-пора бўлиб кетса ҳам фарзандига тасалли бермоқчи бўлди.

— Нима ҳам қилардик... Худонинг хоҳиши экан...

Ўғил ялт этиб қаради. Нигоҳлари аламли эди.

— Худонинг хоҳиши дейсизми?

Энди она фарзандининг кўзларида: «Худони тинч қўйинг, Амуни булғатган, Оролни қуритган бандаси эмасми? Сувнинг шўри-ю, қуюнларидан кўкрак сутига ўтган заҳри қотил эмасми неварангизни нобуд қилган», деган маънони ўқиди.

Ташқарида шамол ҳамон увиллайди. Кампир беихтиёр ёшлигида эшитган бир эртакни эслади...

Қадим замонда бир эр-хотин бўлган экан. Улар тотув яшашаркан. Лекин аёл фарзанд кўрди дегунча қаердандир қора қурт пайдо бўлиб гўдакни чақиб оларкан. У яна ҳомиладор бўлганида зора қоракурт бўлмаса, деб умр йўлдоши билан бирга кулбаларидан йироқ-йироқларга кетиб фарзанд кўришди.

Бундан хабар топган синглиси уни хурсанд қилай деб шафтоли тўла саватни бошига қўйиб йўлга равона бўлибди. Улар бир-бирлари билан дийдор кўришиб чақчақлашибдилар. Лекин қувончлари узоққа чўзилмапти. Улар шафтоли арчаётганларида сават тагидан қорақурт чиқиб, чақалоқни чақиб олибди. Гўдак қулоқни кар қилгудек даражада бир чинқирибди-ю, жим бўлиб қолибди. Эс-ҳушини йўқотган опа-сингил кўришсаки яна, яна қора қурт... Она фарёд чекиб чақалоқни бағрига босиб, бешикка суянганича тош қотиб қолибди. Уни на овдан ўлжа билан қайтган эри, на ёмғиру, жалалар, на бўронлар ўрнидан қўзғата олибди. Айтишларича ўша атрофдаги шаршаралардан сачраган томчилар муштипар онанинг кўз ёшларини, оқ тошлар қотиб қолган кўкрак сутини эслатармиш.

Қайнона бир нарсага ҳанг-у-манг эди: наҳот келини бошига ўша эртакдаги аёлнинг куни тушди. Наҳот яна Бешик тоғ қад кўтаради?

Тўлқин ИЛҲОМОВ.

## БАЛЛИ, СКИЛАЧЧИ!

31 кун давом этган жаҳон чемпионати ҳам тугади. Ҳаяжонли лаҳзалар ортда қолди. Минг-минглаб мухлисларнинг ҳайқириқлари, олқишлари Италия футбол майдонларида ҳамон янграётганга ўхшайди. Ниҳоят чемпионатнинг энг яхши ўйинчилари аниқланди. Журналистлар ўртасида ўтказилган сўровлар натижаси қуйидагича якунланди: Италия терма командасининг ҳужумчиси Сальваторе Скилаччи жами 1629 очко тўплаб «Адидас» фирмаси томонидан таъсис этилган «Олтин тўп» совринини қўлга киритди. Шунингдек, унга чемпионатда энг кўп тўп урганлиги учун (6 та) «Олтин бутси» соврини топширилди.

Шундай қилиб, иккинчи ўринни Германия Федератив Жумҳурияти терма командаси ярим ҳимоячиси Лотар Маттеус (1036), учинчи ўринни эса 1986 йилги Мексика чемпионатининг «юлдузи» аргентиналик Диего Марадона (802 очко)лар эгаллашди. Кучли олтиликка Роже Милла (Камерун — 350 очко), Юрген Клинсманн (ГФЖ — 286) Роберто Бажо (Италия — 224 очко)лар киритилди.

## ХАЙРИЯ ЎЙИНЛАРИ

Олий лигада қатнашаётган Душанбенинг «Помир» командаси футболчилари Эронда сафарда бўлиб учта ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Ўйинлардан тушган маблағлар кучли зилзиладан жабрланган эронликларга ёрдам фонди ҳисобига ўтказилади. Душанбеликлар Теҳрон шаҳрида мамлакат терма командасини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Шунингдек, Тебриз шаҳри футболчиларини ҳам 2:1 ҳисобида ютиб, исфахонликлар билан дуранг (0:0) ўйнадилар.

## Халқ табобати

# Мақсадим— ишонч уйғотиш

**Инсоннинг фавқулодда имкониятлари ҳақида жуда кўп афсоналар тўқилган. Экстросенс Элёр Холмуҳамедов билан суҳбатлашиб, унинг даволаш усулини кузатгач ҳар қандай афсона ҳам маълум ҳақиқат замирида пайдо бўлишига амин бўлдик. Дейлик, томирингизни шундай бир кўришдаёқ ёшингиз нечада, ўтмишингиз ва авлодингиз қисматини бехато айтиб берадиган синчи табиблар, бошқаларнинг хаёлида кечиб турган фикрни сезиб турувчи кишилар ҳам бор экан. Бироқ, шу кунгача ҳам уларга шубҳа билан қараб келдик. Ёки наботот оламининг эҳсонларидан тайёрланган малҳамлар билан қанчадан-қанча хасталиклар барҳам топди. Э. Холмуҳамедов каби экстросенсларни эҳтиётлашимиз, уларга кўмаклашишимиз, имконият яратиб беришимиз керак. Шундай қилсак юрт соғлиги йўлида қайғураётганимиз равшанроқ кўринади.**

**Журналист Омонжон НУРМАТОВ Э. ХОЛМУҲАМЕДОВ билан муштарийларимизни қизиқтираётган саволлар асосида суҳбатлашди.**

**— Элёр ака, одатда экстросенслар ўз қобилиятларини ота-боболаридан ўтганлиги ёки туғма қобилиятга эга эканлигини айтишади. Шу боисдан бир мунча анъанавий бўлса-да, мусоҳабамизнинг ўзингиздаги қобилиятнинг пайдо бўлишидан бошласак.**

— Бундай қобилият ҳаммада, ҳатто сизда ҳам бор, десам ишонаверинг. Фақат уни рўёбга чиқариш барчанинг қўлидан келавермайди.

...1979 йили қизим юрак касаллиги билан туғилди. Унинг мурғак юрагида учта порог бор эди. Врачларнинг уринишлари зое кетди. Улар тузата олмаймиз, дейишди. Шунда Тошкентга машҳур экстросенс Сафонов келган эди. У ўзида фолбинлик қобилияти ҳам борлигини айтди. Қизимнинг касалини ўзини кўрмай туриб айтиб берди. Ундан даволашини сўрадим. У эса «Ўзинг даволайсан, мен сенга бир китоб ҳадя қиламан», — деди. Бу китоб унинг чет элда рус тилида босилган «Нит Ариадни» китоби эди. Умуман, хорижда унинг жуда кўп китоблари босилиб чиққан.

Аслида иқтисодчиман. Қизимни тузатиш мақсадида китобни жуда қаттиқ мутолаа қилишга мажбур бўлдим. Унда биотокни бошқариш технологияси мукаммал ёзилган. Менда ҳам шундай қобилиятим бор деб, ўзимни ишонтиришга ҳаракат қилдим. Сафонов методлари асосида уни шакллантириш устида қаттиқ машқ қила бошладим. Буни муайян тажрибаларда синаб ҳам кўрдим. Бугун бемалол айта оламан: менда аслида бу соҳада туғма талант йўқ эди. Мен ҳар бир одамда бўладиган табиий қобилиятни Сафонов ўгитлари замирида кучайтирдим, холос.

**— Сўнгги йилларда халқ табобатига, қолаверса, экстросенсларга эътиқод кучайиб боряпти. Аксар ҳолда улар муолажасидан шифо топишяпти. Бундай шароитда одамлар орасида замонавий тиббиётга шубҳа туғилмайдими!**

— Йўқ. Халқ табобатининг равнақи тиббиёт фанининг ҳам равнақи бўлиб қолади. Мақсадимиз бир, одамларни касалликдан халос этиш. Экстросенсларга келсак: беморларни муолажасиз фақат қўл ҳаракати билан даволаймиз. Улар вужудига таъсир этиб, ички энергия системаларини уйғотиб, рўёбга чиқмай ётган имкониятларни ишга солиб юборамиз. Аниқроқ қилиб айтганда, организмнинг қайси жойида касаллик бўлса, ўша жойда ички энергия майдони тўхтаб қолади. Экстросенс энергия тўхтаб қолган нуқтага таъсир этиб, уни қувватланиш қобилиятини муайян бир йўналишга солиб юборади. Аслида бизнинг сир-асроримиз ҳам шу.

**— Даволаш усулларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Асосан касал нуқтага таъсир этиш, (монуалная терапея) орқали массаж йўллари билан десам тўғри бўлади. Очиғи, ҳамма одамнинг касали орқа мияда. Умуртқани тўғрилаш, унинг барча бўғинларини жой-жойига солиш билан кўп беморларни даволаш мумкин. Ҳар бир одамда муайян даражада биоток бор. Фақат баъзисида кучлироқ, баъзиларида эса кучсизроқ.

Тажрибалар натижасида бир нарсага аниқ ишонч ҳосил қилдим: одамлар организмида касаллик икки ҳолда пайдо бўлади ва беморлар ҳам икки тоифа бўлади. Одамлар организмида куч кўпайиб ёки меъёридан камайиб кетса, касалликка чалинади. Худди шундай ўзга касалликни «қабул қилувчи» ва ўзидан касалликни «қувувчи» беморлар бор. Хафсираш, ҳар қандай майда нарсаларни кўнглига олувчи, энг ёмони бошқа беморни кўргач ёки ҳолатини эшитганда дарров ўзини шуларга таққословчи тоифаларни даволаш ниҳоятда оғир кўчади. Шу тоифадаги кишилар соғ бўлсада, ўзларини касалдек ҳис қилиб, юраверадилар. Ўзида ишонч ҳосил қила олган, ўткинчи ҳолларга бефарқ кишилар организми ҳар қандай касалликларни енгади.

**— Бундан чиқди бемор табибга, табиб беморга ишониши керак, демоқчисиз-да!**

— Тўғри англадингиз. Ҳар қандай даволовчи ҳам ўзида беморга нисбатан ҳурмат ва эътибор ҳиссини уйғота олсагина муолажаси наф беради. Қадимдан қолган бир ривоят бор: табиб даволаётган беморга оддий кўк пиёзнинг баргларидан узиб берибди ва уни ишонч билан истеъмол қилган бемор дарддан фориғ бўлибди. Ўша табибга кайфияти бузилаётган худди шундай дардга чалинган бошқа беморни келтиришибди. Табиб унчалик хушламай, унга ҳам кўк пиёз баргини берибди. Аммо бемор нажот топа олмабди. Мисолни кундалик ҳаётдан оладиган бўлсак: оддий врач билан профессор даволаган беморнинг фарқи бор. Аслида иккови ҳам бир хил диагноз қўйиб, бир хил дори билан даволайди. Аммо профессорнинг давоси кўпроқ наф беради. Чунки унинг ўзи тўғри йўл тутганига қанчалик ишонса, бемор унга шунчалик ихлос қўяди. Шунинг учун ҳам бу соҳада ишонч ва ихлос катта аҳамиятга эга. Ахир ихлос — ҳалос, деганлар-ку.

**— Динга муносабатингиз қандай!**

— Менимча, ҳар қандай инсон нимагадир эътиқод боғлаши, ишониши, суяниши керак. Ростини айтсам динга ишонаман. Улуғ табиб Абу Али ибн Сино барча асарларидаги ҳар бир бобни «Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим» ибораси билан бошлайди. Уни «Меҳрибон ва раҳмдил тангрим номи билан» дея ўзбекчалаштиришган. Тўғри таржима. Ҳар қандай муолажадан олдин тўла ишонч билан ана шу иборани қайтаришга ўрганганман. Шунда интилишим наф беришига ишонаман. Бу асли руҳга таъсир этишнинг оддий бир тури...

**— Устозларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Ягона устозим эл тан олган малакали экстросенс Тоҳир Солиев. У киши менга жуда кўп билим бердилар. Тажрибалар ўтказдилар. Ўзим билмаган ва сезмаган имкониятларимни англатдилар. Тўла ишонч ҳосил қилгач, мустақил ишлашимга биринчи бўлиб оқ йўл тиладилар...

**— Янглишмасам, турли қобилиятларга эга бўлган ўттизга яқин шогирдларингиз бор. Улар билан ҳафтада бир марта машғулот ўтказиб турасиз.**

— Тўгаракда ёш кинначи ва фолбинлар ҳам борлиги сизни ажаблантиряпти, шекилли. Аслида экстросенслар қўмитасининг тузишдан мақсад — жумҳуриятимизда алоҳида қобилияти бор одамларни аниқлаш, рўйхатга олиш, уларга ёрдам бериш. Соғлиқни сақлаш вазирлигига тавсия этиб, беморларни даволашига шароит яратиш учун кўмаклашишдан, умуман, бу соҳадаги ишларни муайян бир йўналишга солишдан иборат. Экстросенслар тўгараги қўмита қошида очилган. Қўмитамизга келаётганларнинг орасида муайян тарбияга муҳтож кишилар йўқ эмас. Унда экстросенсларнинг бир хиллари бемордан энергия олса, бошқа бировлари энергия сарфлайди. Кинначилар ҳам шундай тоифага киради. Чунки улар беморни ортиқча кучини ўзига тортиб олади. Шу боис кинначи муолажасидан сўнг бемор бўшашади, қусади ёки тезда уйқуга кетади. Фолбинлар эса кўпроқ гипноз қилиш ва телепатия хусусиятига яқинлашади. У суҳбатдошининг руҳи билан гаплашади.

**— Ойнаи жаҳон орқали берилган Кашпировский муолажасидан сўнг ўзини ёмон ҳис этган беморларни даволаганингиз ҳақида кўпгина гаплар тарқалган. Шулар ростми!**

— Боя айтганимдек, бу соҳадаги муолажага ўта эҳтиёткорлик зарур. Даволовчи экстросенс аввало ўзининг сўнгра беморнинг имкониятини аниқ ҳисобга олиши керак. Ойнаи жаҳонда, катта залларда ҳаммага бир хилда сеанс берилиши, менимча, бу — хато. Чунки сеанс берувчи бир киши. Қабул қилувчилар эса минг-минглаб. Табиийки, уларнинг сеанс қабул қилиш қобилияти ҳар хил. Бировга яхши таъсир этган муолажа бошқа бировни касал қилиб қўйиши мумкин. Афсуски, Кашпировскийнинг ойнаи жаҳон орқали берган сеансидан кейин ўзини ниҳоятда ёмон ҳис этиб, жинни бўлиш даражасига етган одамларни кўрдим. Уларга ёрдам беришга тўғри келди. Айрим ҳолларда одамлар бир биридан энергия олиш йўллари билан ҳам даволаниб кетиши мумкин. Буни ўз тажрибаларимда синаб кўрганман. Одамлар ўз-ўзини даволаш йўлларини ёзиб тугатаяпман. Матбуот орқали эълон қилиш ниятим бор. Аммо энг муҳими, бемор билан ҳисоблашмай, унинг онгига таъсир этиш яхши оқибатга олиб келмайди. Бу жиддий ўйлаб кўриладиган масала.

**— Сир бўлмаса, тайёрлаётган рисолангизда гап нималар ҳақида боради!**

— «Инсон ўзини қандай даволайди?» — деган савол устида. Масалан, одам тўрт йўл билан ўзини даволай олади: суткасига 10 дақиқа атрофида ҳеч нарсани ўйламай, муҳитдан хаёлан ажралган ҳолда ором олиш, тўғри нафас олишга ўрганиш, меъёрида овқатланиш ва ниҳоят бадан тарбияга тўғри ёндашиш. Шулар билан тўғри ва муттасил шуғулланиб борган киши ҳар қандай дарддан фориғ бўлади.

**— Шифоингизга муҳтож беморлар қабулингизда бўлишлари мумкинми!**

— Албатта, мумкин. Тошкент шаҳар, Халқлар дўстлиги кўчаси, Е даҳасидаги 12-уйда массаж залида қабул қиламан.

## ТВ

**13 ИЮЛЬ — ЖУМА**

● ЎзТВ I

**ҚУВНОҚ ЎТСИН ТАЪТИЛЛАР**

11.30 «Қувноқ болалик диёрида». «Петьканинг машқлари». Болалар учун фильмлар. 12.00 Такрорий фильмлар экрани. «Дерсу Узала». Бадиий фильм. 2-серия.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «90-йил абитуриенти». Тошкент Машинасозлик институтига кирувчилар учун. 18.10 «Мультипанорама». 18.55 «Тилга эътибор...» 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ҳақида ўйлар». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Ўзбек классик қўшиқларидан концерт. 21.40 «Одобнома». 22.00 «Ахборот». 22.25 «Инсон ва қонун». 23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «Аргентина оҳангларидаги танго». 8.50 «Черногоранинг меҳр-муҳаббати ва ғазаби». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Карпатдаги биринчи обсерватория биносини тиклаш муаммолари ҳақида (Киев). 9.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 9.45 «Сиз бунга қодирсиз». 11.00 «Йил фасллари». Июль. 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.20 Болалар учун фильм. «Пан Тау». 7-серия. 15.50 «Келажак режалари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Қирғизистоннинг Сокулук ноҳиясидаги «Дружба» жамоа хўжалиги ва унинг раиси В. Н. Фоменко ҳақида (Фрунзе шаҳри). 16.10 «Образ». Юқори синф ўқувчилари учун адабий кўрсатув. 16.50 «Хўтик». Мультфильм. 17.00 «Умринг боқий бўлсин, Ер!». Экологик программа. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 Мультфильм. 18.40 А. Миронов номли актёрлар қўшиқлари конкурси. 19.30 «Туйғулар тарбияси». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. Премьера. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 21.05 Долзарб интервью. 21.15 «Бу бўлган... бўлганди...» 21.35 «Ўғрилик». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. СССРдан тарихий ва маданий бойликларни олиб чиқиб кетилаётганлиги ҳақида («Союзтелефильм»). 22.25 Қувноқ йигитлар. «Мен ва бошқа «мен»лар. Танаффус пайтида (00.35) — «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

16.30 Тожикистон ССР Давлат телерадиоси. Тожикистон телевидение студиясининг программаси. 17.00 «Кўприк». Бир-биридан жудо бўлган корейс оилаларининг муаммоси ҳақида. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 «Биз яшаётган олам». Режиссёр М. Соосаар фильмлари. «Кихну ороли аёллари». Телевизион ҳужжатли фильм. Кихну ороли аҳолисининг турмуши, урф-одатлари ва қўшиқчилиги ҳақида (Таллинн).

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец»
орган ЦК ЛКСМ
Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р. — 01435. Д. — 23499.